1 СЕНТЯБРЬ — МУСТАҚИЛЛИК КУНИ

Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

MA'RIFAT ★ ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ ★ معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1995 йил 30 август, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | 34 (6680)

МАЪНАВИЙ БИРЛИК САРИ МУҲИМ ҚАДАМ

Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 28 август куни Бишкекда туркий тилли давлатлар раҳбарларининг навбатдги учрашувида ҳамда қирғиз халқининг улкан эпоси — «Манас»нинг 1000 йиллик тўйи муносабати билан ўтказилган тантаналарда иштирок этди ва ҳар иккала йиғинда нутқ сўзлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТУРКИЙЗАБОН ДАВЛАТЛАР БОШЛИҚЛАРИНИНГ БИШКЕКДАГИ УЧРАШУВИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Муҳтарам Президентлар, жаноби олийлари!

Муҳтарам Хонимлар ва жаноблар, дўстлар!

Аввало, мен қирғиз дўстларимизга меҳмондўстлик, шод-хуррамлик ва олий даражада навбатдаги учрашувни яхши ташкил қилганликлари учун Ўзбекистон делегацияси номидан самимий ташаккур изҳор этмоқчиман.

Истанбул учрашувидан кейин ўтган ойлар ниҳоятда ва воқеаларга бой бўлди. Бугун бизнинг учрашувимизда халқларимиз билан давлатларимизни бир хилда тўлқинлантираётган ва бизнинг келажагимиз уларнинг ҳал этилишига боғлиқ бўлган ҳаётимиздаги энг муҳим муаммолар юзасидан фикрлашиб олиш зарур деб ўйлайман.

Давлатларимиз олдида кенг имкониятлар очиляпти, айни вақтда эса бизнинг олдимизда ҳақиқий хавф-хатарлар турибди.

Миллий мустақилликни мустаҳкамлаш, янги мустақил туркийзабон давлатларда тизимли ўзгартиришларни амалга оширишдан иборат жуда мушкул ва ғоят мураккаб жараён дунёда эзгулик билан ёвузлик, инсонпарварлик билан зўравонлик бир-бирига қаттиқ қарама-қарши турган шароитда, баъзан ҳудудларимиздан анча олисда туриб бошқарилаётган мамлакатлар ва сиёсий кучлар таъсир кўрсатаётган шароитда ўтяпти. Шу боисдан ҳам бизнинг учрашувларимиз очиқ тусда бўлиши лозим ва бунга менинг ишончим комил.

Мен яна бир бор шуни таъкидламоқчиманки, **халқларимизнинг тарихий, этник-маданий, маънавий яқинлигидан иборат қатъий фактни қайд этиш мана шу чуқур тарихий-маданий омилга сиёсий ёки айниқса, ҳарбий-сиёсий тус бериш йўлидаги уринишларга айланиб кетмаслиги керак.** Бизнинг маънавий бирликка эришиш йўлидаги тарихий жараён асло бошқа давлатларнинг манфаатларига қарши қаратилган эмас.

Туркийзабон давлатлар бошлиқларининг мунтазам учрашувларидан кузатилган асосий мақсадни биз қандай тасаввур қиламиз?

Бизнинг тасаввуримиз ҳам кўп томонлама, ҳам икки томонлама инсонпарварлик, маънавий-маданият алоқаларни ривожлантиришга бутун чоралар билан кўмаклашишдан, савдо ва иқтисодий муносабатларни жадаллаштиришдан, кескин экология муаммоларини, биз Копенгагенда ўтказилган жаҳон ижтимоий анжуманида дунё миқёсида ҳам, минтақавий миқёсда ҳам кўтариб чиққан инсон омили масалаларини ҳал этиш учун куч-ғайратларни жипслаштиришдан иборатдир.

Маданиятларнинг бирлиги асос қилиб олинган учрашувларимизни мана шу нуқтаи назарда авайлаб асраш ва уларнинг нодирлигини таъкидлаш лозим.

Этник-маданий анъаналарни

(Давоми 2-бетда).

«ПРЕЗИДЕНТ КУБОГИ»НИНГ ДОВРУҒИ

Дунёдаги энг машҳур спорт ўйинларидан бири — катта теннис ҳисобланади. Унинг узбекона ҳаётимизга кириб келиши сиртдан қараганда бир оз нотабиийроқ туюлади. Қолаверса, уни киборлар ўйини ҳам дейишади. Ахир, теннисни давлат раҳбарлари, бойлари, бизнесменлари кўпроқ ўйнайдилар-да. Бироқ орзуга не айб? Кеча бегонасираб қараган ўзбекистонликлар бугун уни севиб ўйнай бошлашди. Тўғри, жаҳондаги номдор теннисчилар руйхатида ўзбекча исмларни учратмайсиз, лекин «мусулмончилиқ аста-аста» деган нақлни шу ерда ишлатсак, уринли булади. Қолаверса, экилган ниҳолдан дарров мева сўраб бўлмайди-ку? Бироқ, парвариш яхши бўлса, эътибор сусаймаса, ниҳол улгайиб, бир куни мева бериши муқаррар.

«Президент кубоги»нинг иккинчи йил ўтказилиши. Бир йил ичида унинг довруғи ошганлигининг кўрсаткичи шундаки, бу йил ўтган йилги ўйинчиларга нисбатан кучлироқ, жаҳон теннисчилари орасида 57-поғонада турадиган Хобби Арессе (Испания), кейинроқда Карл-Уве Штиб (Германия), Алами Карим (Марокаш)нинг мусобақага қатнашишидир. Турнирда 20 га яқин мамлакатдан 80 нафар теннисчи ўзаро куч синашишади.

«Президент кубоги»нинг таг-замирида мустақил Узбекистон турибди. Бугун ҳаммага аёнки, спорт нафақат тинчлик элчиси, соғлик гарови, балки давлатни дунёга танитиш воситаси ҳамдир. Бунга мисолларимиз бугун жуда кўпайиб кетди.

Швейцариялик машҳур бизнесмен «Интернейшнл турнамент промшоун» компаниясининг президенти, «Президент кубоги»нинг ташкилотчиларидан бири Сассон Какшури бу турнир «анъанавий бўлиб қолди», деб таъкидлади.

Кеча кечқурун Тошкентда Халқаро «Президент кубоги» мусобақалари тантанали суратда очилди. Меҳмонлар 26 августдан кела бошлашган ва турнир очилгунча саралаш ўйинлари ўтказилиб, ўйинлар жадвали тузиб қўйилди. Бундан ташқари «Катта шляпа» соврини учун машҳурлар турнири ва ёш теннисчиларнинг чиқишлари бўлди, уларга қимматбаҳо совға-саломлар улашилди.

Журналистлар ҳам қуруқ қолишгани йўқ. Утган йилги — биринчи «Президент кубоги»ни яхши ёритган хорижий ва Узбекистон журналистларига турнир ташкилотчилари томонидан ноёб туҳфалар берилди.

Хуллас, ўйинлар бошланди. Утган йилги кубокни АҚШлик Чак Адамс қўлга киритган бўлса, бу йил у кимга насиб қилар экан? Бу ҳақда, албатта, хабар бериб борамиз.

Ҳозирча «Президент кубоги»нинг довруғи яна бир бор оммавий ахборот воситалари тилига тушди, демакки, дунёга тараляпти.

Ҳалим САИДОВ.

СУРАТЛАРДА: «Президент кубоги» совринлари. Ўйин пайтидан лавҳа.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

ИСТИҚЛОЛНИ СОҒИНГАН СЎЗЛАР

Абдулла ҚОДИРИЙ:

Кур бизинг аҳволимиз, ғафлатда қандай ётамиз,
Жойи келган чоғида виждонни пулга сотамиз...

Уртадан чиқса агар миллатни яхши суйгучи,
Биз ани даҳрий санаб, туфанга бирла отамиз.

Келингиз, ешлар, зиёлилар, бу кун ғайрат қилинг,
Ухлаганларни агар Қодир эрсак уйготамиз.

1915 йил

ЧУЛПОН:

Ҳуррият бўлганда сен келдинг
Минайин семирган отга деб,
Огзингга «маллалар» бир тепди,
«Маърифат ҳаромдур сартга», деб...
Огзингга қон келди, йиғладинг,
Кўзингдан заҳарли ёш келди.
Кўраман, охирда минибсан,
Чарчаган бўлса-да, отингга.
Тангрига шукр қил, юра бер,
Кўз солиб унгингга, чапингга!

1919 йил

Садриддин АЙНИЙ:

Сани мундин бусн, Турон қўролурми қўролмасми?!.
Санинг мислингни Туркистон, тополурми, тополмасми?!.

...Ватан авлоди ед этди, сани ҳурматла шод этди,
Ва лекин интиқомингни ололурми? Ололмасми?!.
Жаҳонда зулмдир зоҳир, жаҳон ҳунҳўр, жаҳон жоҳил,
Жаҳондин бир замон охир, ситамгарлик йўқолмасми?!.

1919 йил

ФИТРАТ:

«Эй Улуғ Турон, арслонлар улкаси! Сенга нс бўлди! Нечук кунларга қолдинг?

Эй Темурларнинг, ўгузлар оилаларининг шонли бешиклари! Қуллик чуқурларига недан тушдинг?

Дунени «уроҳо»лари билан титратган йўлбарс юракли болаларинг қани? Ер тупроғини кўкларга учиратурғон тоғ гавдали ўглонларинг қани?..

Ер юзининг буюк салтанатларини сен қурмадингми? Ҳиндистоннинг, Эроннинг, Оврупонинг улуғ ҳоқонларини сен юбормадингми? Эй ҳоқонлар учоғи! Қани у чақмоқ чопишли ботир ҳоқонларинг? Қани аввал ўқ юрушли отли бекларинг?..

Эй улуг Турон, арслонлар улкаси! Қайғурма! Эски давлатинг, эски салтанатинг, эски йигитларинг, эски арслонларинг ҳаммаси бор, ҳеч бири йўқолмамишдур.

Ёлғиз... Оҳ, ёлғиз... тарқалмишдур».

1922 йил

ОЙБЕК:

Бир улкаки, тупроғида олтин гуллайди,
Бир улкаки, қишларида шивирлар баҳор.
Бир улкаки, сал кўрмаса, кўеш соғинар...
Бир улкаки, ғайратидан асаби чақнар.
Бахт тошини чақиб, бунда куч гувиллайди.

1934 йил

МИРТЕМИР:

Мен бахт борасида суйламоқчийдим,
Қувноқ бир қасида куйламоқчийдим,
Эрта ва бугунни ўйламоқчийдим,
Эртак каби бир тўй тўйламоқчийдим.
Кўзларим ўнгида сен намоёнсан,
Сен ахир ўшасан, асрий армонсан,
Ўзбекистон.

1969 йил

Эркин ВОҲИД:

Бу Ватанда бир Ватан қурмоқни истайдир кўнгил,
Бекафас қушдек ўзин қурмоқни истайдир кўнгил.
Бу Ватан тимсоли бўлса, тонг қуёши шуълавор,
Шуълалар қўйнида чарх урмоқни истайдир кўнгил.
Ул Ватанга байроқ — инсоф, туғи — сарҳад, муҳри — меҳр,
Сарҳад узра соқчидек турмоқни истайдир кўнгил.

1990 йил.

Абдулла ОРИФ:

Унутмагин ва лекин олдда бор ҳали етлар,
Қадамингни пойлайди очкўз, юҳо не зотлар,
Шоҳ сурибсан, инжима, гингшиса агар мотлар,
Елкамизга офтобнинг текканлиги рост бўлсин,
Ўзбекнинг ўз уруғин экканлиги рост бўлсин.
Ўз қўлинга олганинг — ялов сенга муборак,
Юрагингда сўнмаган олов сенга муборак,
Ёндиролдинг қорларни — қалов сенга муборак,
Елкамизга офтобнинг текканлиги рост бўлсин,
Ўзбекнинг ўз уруғин экканлиги рост бўлсин.

1991 йил

БУГУН БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ УЧИНЧИ СЕССИЯСИ ОЧИЛАДИ

МАЪРИФАТЛИ ДУНЁ САРИ

Раҳима ҲАКИМОВА,
Самарқанд тумани ҳокими, Ўзбекистон халқ депутати.

Биз, самарқандликлар, шаҳримиз яқинидаги Бахшитепа қишлоғида таваллуд топган буюк ватандошимиз Маҳмудхўжа Беҳбудий билан ҳақли равишда фахрланамиз, албатта. У 1913 йилдаёқ «Эҳтиёжи миллат» мақоласида шундай ёзган эди: «...Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдир. Замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқаларга поймол бўлур». Ғоят гўзал ва боқий фикр!

Шубҳасиз, бугун илму маърифатдан эътибор ва сармояни аясак, эртага саводсиз болалар юлғичларга, жиноятчиларга, дангасаларга айланиб, иқтисодимиз ва маънавиятимизга ўн карра, эҳтимол, юз карра кўпроқ зарар келтирадилар. Аксинча, бугун маорифга ҳомийлик қилиб, хайрихоҳлик этсак, эртага комил ўсган фарзандлар иқтисодимиз ва сиёсатимизга юз карра фойда қилиб қайтарадилар. Шундан келиб чиқиб, биз туманимизда маорифга катта эътибор қилмоқдамиз. Хўжа Аҳрор Валининг 590 йиллик тўйларини нишонладик. «Жоҳил», «тақводор» деб бадном этилган бу бобомизнинг номи оқланиши ва авлодларга қайтиши — мустақиллик шарофати. Эркимиз ўзимизда бўлмаса, бунга ким ҳам рухсат ва журъат қиларди?!

Яна бир хушхабар: бу ўқув йилини тўртта мактаб — 23, 34, 47 ва 58-мактаблар янги биноларда бошлайди. Шу янги илмхоналар учун 2000 дона парта ва кўплаб ашёлар келтирилди. Туманда 6080 муаллимга уй-жойлари бепул хусусийлаштириб берилди. Электр қувати, сув ва газдан 3529 ўқитувчига — текин, 200 кишига 50 фоиз арзон фойдаланиш имтиёзи берилди. 470 та кам таъминланган ўқитувчи-тарбиячиларга 120.000 сўм моддий ёрдам кўрсатилди, 500 муаллимнинг маошига 300 сўмдан қўшиб берилди. Тожик мактабларига 200.000 сўмлик дарслик Тожикистондан ҳокимият ҳисобидан сотиб олиниб келиб, текинга берилди... Албатта, ҳали кўп ишлар қилишимиз керак. Зеро, шукрки, бугун мустақиллик туфайли бунга бемалол имконият ҳам, хоҳиш ҳам бор.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов айтганларидай: «Мақсадларимизга эришиш, янги, демократик жамиятни қуриш, ислоҳотларнинг тақдири қандай интеллектуал кучларга эга эканлигимизга, ёшларимиз қандай маданий ва профессионал савияга эришганлигига, қандай идеалларга эътиқод қилишига, маънавий жиҳатдан қанчалик бойишига боғлиқдир». Маърифатли ислоҳотларгина амалга ошади. Бу, шубҳасиз, давр исботлаган ҳақиқатдир.

СЎНГСЎЗ. Яқинда Раҳима Ҳакимова Ўзбекистон республикаси халқ таълими вазири билан учрашиб, туманда халқ таълимига берилаётган эътибор, ютуқ ва муаммолар ҳақида суҳбатлашди. Вазирлик ҳам туман маорифчилари учун битта компьютер синфхонаси ажратди. Туман ҳокимаси мактаб жиҳозлари сотиб олиш учун бир миллион сўмлик маблағ ўтказди. Хайрли иш давомли бўлажак.

Мустақиллик одимлари

ҲАР ЎҚУВЧИ — ВАТАННИНГ ЮЗИ

Жўра ЙЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири

Яна бир кундан кейин мамлакатимиз ҳаётидаги энг муҳим воқеа — Узбекистон мустақиллигининг тўрт йиллиги нишонланади. Тарихан қисқа, аммо асрларга татигулик мустақиллик шароитида мамлакатимиз тараққиётининг узига хос ва узига мос йўли Узбекистонни келажаги буюк давлат сифатида дунёга танитди, халқаро алоқаларини мустаҳкамланишига кенг йўл очди, ички ва ташқи сиёсатининг қонуний асослари яратилишига имкон берди. Бугунги кунда биз мамлакатимиз ўзи танлаб олган мустақил тараққиет йўлида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий-маънавий соҳаларда катта ютуқларни қўлга киритиб, халқимизнинг хоҳиш-иродасини ифодаловчи, очиқ, эркин бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик, одил жамият қуришда кўзда тутилган режа бўйича босқичма-босқич илгарилаб бораётганидан фахрланамиз, албатта.

Тўрт йил мобайнида босиб ўтилган ниҳоятда сермазмун ҳаёт йўлимизга назар ташлар эканмиз, унда таълимнинг ривожи, ёшларимизнинг келажаги билан боғлиқ масалаларнинг ҳам нечоғлик катта урин эгаллаганлигининг гувоҳи бўламиз.

«Миллий тикланиш йўли юқори саводхонлик, юксак маданият орқали ўтади. Шунинг учун ҳам маълумот даражаси, профессионал тайёргарлик даражаси XXI аср арафасида бизнинг ижтимоий ривожланишимизнинг улчови бўлиб қолмоғи керак. Бу — ислоҳотларнинг белгиланган йўлдан боришини муваффақиятли амалга оширишнинг энг яхши кафолатидир. Бу — сарфланган маблағлардан вақти келиб энг кўп фойда олинадиган йўналишдир», — деб алоҳида таъкидланади Президентимиз Ислом Каримовнинг «Узбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобида. Ана шу сермазмун сатрларда мамлакатимиз халқ таълими олдидаги бош вазифа аниқ ифодасини топган ва у таълим тизими ҳаракат дастурининг маъзи ва мақсадини тўлиқ мужассамлаштиргандир.

Мақсадинг аниқ бўлса, йўлинг равон ва одимиг дадил бўлади, дейди доно халқимиз. Олдимизга қўйилган улкан ва айни пайтда мураккаб вазифалар уз моҳияти билан мустақилликни мустаҳкамлашга, мамлакатнинг бугунги ва эртанги иқтисодий, ақлий, маданий ва маънавий тараққиетини таъминлашга қаратилгандир.

Мустақиллик туфайли мактабга янгича муносабат шакллландики, бу халқ таълимидаги ислоҳотларни амалга оширишга бош заминдир. Узбекистон мустақил тараққиетнинг узига хос ва узига мос йўлидан бораетганлигини таълим соҳасидаги ҳар бир янгилик тўлиқ исботлай олади. Аввало, мустақил давлатимиз раҳбарияти бошқа мамлакатлардан фарқли уларок таълим соҳасидаги сиёсатини таълимнинг ҳуқуқий асосларини яратишдан, бозор иқтисодиетига утиш шароитида педагог ходимларни ижтимоий муҳофаза қилишдан бошлади.

1992 йил 2 июлда Узбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунининг қабул қилиниши, бу дастуриламал ҳужжатда таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойиллари, таълим тизими ва бошқаруви тартиблари, педагогик ходимлар ҳақ-ҳуқуқлари, вазифалари, масъулиятлари ва мақсадларининг белгилаб берилиши Узбекистон мактабидаги туб янгиланишларнинг асоси бўлиб қолди. Шу нуқтаи назардан утган давр мобайнида асосий эътибор таълим мазмунини такомиллаштиришга, уни демократиялаштиришга, ўғил-қизлар таълими ва тарбияси борасида ўқув-тарбия муассасаларининг оила, маҳалла ва жамоатчилик билан ҳамкорлигини яхшилашга, ёшлар касбий тайёргарлигини бозор иқтисоди шароитига мослаштиришга, педагог кадрлар сифатини яхшилашга, таълимнинг бошқарув ва назорат тизими самарадорлигини оширишга қаратиб келинди. Бугунги кунда бу соҳада муайян ютуқ ва тажрибаларга эришганлигимизни яратилган концепциялар, хилма-хил ўқув дастурлари ва ўқув режалари, янги-янги дарсликлар, янги педагогик технологиялар, тажриба майдонларида синовдан ўтган иш услублари ва илмий-педагогик хулосалар яққол кўрсатади.

Бу ўринда айрим мисол ва далилларни келтириш ўринлидир. Ўтган ўқув йилида мамлакатимиз мактабларидаги таълим жараёни 12 та муқобил ўқув режаси ва янги ўқув дастурлари асосида

(Давоми 2-бетда).

ИСТИҚЛОЛ АЙЁМИНГИЗ ВА ЯНГИ ЎҚУВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТУРКИЙЗАБОН ДАВЛАТЛАР БОШЛИҚЛАРИНИНГ БИШКЕКДАГИ УЧРАШУВИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

(Боши 1-бетда).

қўллаб-қувватлаш — олий даражадаги анжуманимиз мақсадидир. Учрашувларнинг асосий сабаби сифатида шу принципни сақлаб қолиш керак.

Бишкек декларациясига айни шундай ёндашув асос қилиб олиниши лозим деб ўйлайман.

Бу ерда, менинг назаримда, халқаро ташкилот сифатида ЭКОни қандай тасаввур этишимизни кўрсатиб ўтиш ҳам ўринли бўлар эди. Бу ерда ҳозир бўлган барча туркийзабон давлатлар шу ташкилот фаолиятида амалий иштирок этмоқдалар. **Биз ЭКОни нафақат савдо-иқтисодий ташкилот деб биламиз.** Бизнинг назаримизда, бу халқаро тузилмага сиёсий тус бериш йўлидаги уринишлар унинг мақомига ҳам, мақсадларига ҳам, ҳақиқий аҳамиятига ҳам мос келмайди.

ЭКОга аъзо бўлган мамлакатларга шундай кичик минтақавий тузилма кўпроқ тўғри келадики, бунда ҳарбий-сиёсий бирликларни тузмасдан, кўп томонлама қоидалар устун бўлур эди.

Ўз-ўзидан равшанки, вужудга келаётган вазиятда тинчлик ва барқарорликка, шу жумладан, Марказий Осиё минтақасидаги тинчлик ва барқарорликка ҳам минтақамиз чегараларида мавжуд бўлган қарама-қаршиликлар, бир-бирига қарши курашлар ва ҳатто урушлар давом этаётганлиги билан хавф-хатар туғилаётганлиги ҳақида гапирмасдан ўта олмаймиз.

Тожикистон ва Афғонистондаги аҳвол бизни ташвишлантирмай қола олмайди. Мамлакатларимиз раҳбарлари ана шу давлатлардаги можаро сўндирилишидан ва минтақада барқарорлик таъминланишидан доимо манфаатдор бўлишлари керак.

Қўшниларимизда вазият барқарорлашувидан биз манфаатдормиз.

Бундай барқарорлашув, энг аввало, Афғонистон ва Тожикистон халқларининг ўзлари учун зарур. Ўзимизнинг ислоҳот ва ўзгартиришларимизни осойишта вазиятда ўтказишимиз учун бу нарса бизга ҳам зарур.

Навбатдаги масала. Наркотик моддалар ва наркобизнес мустақил давлатларимизнинг миллий хавфсизлигига жиддий таҳдид солаётганини эътиборга олиб, бу иллатга қарши курашда куч-ғайратларимизни бирлаштириш лозим деб ўйлайман. Наркотик моддалар ишлаб чиқариш, тарқатиш ва истеъмол қилишга қарши курашнинг кучайтирилишини кўзда тутувчи давлатлараро қўшма дастурни ишлаб чиқиш зарур.

Ер куррасининг кўпгина минтақалари каби Марказий Осиё ҳам ғоят катта микёслардаги экологик офатларга дуч келяпти. Аввало, бу Орол денгизи фожиасига тааллуқлидир. Орол атрофидаги экологик вазият ўз қўламлари ва эҳтимол тутилган оқибатларига кўра минтақавий эмас, балки кўпроқ жаҳоншумул муаммодир. Шу муносабат билан биз БМТнинг Орол бўйича конференциясига катта умид боғлаяпмиз. Конференция шу йил сентябрь ойи охирларида Нукусда бўлиб ўтади ва ҳаммани унинг ишида фаол қатнашишга таклиф этамиз.

Мамлакатларимиз ва халқларимизнинг энг аввало савдо-иқтисодий соҳадаги баҳамжиҳат бирлашиб ҳаракат қилиш муаммолари — учрашув қатнашчиларининг диққат-эътиборини қаратмоқчи бўлганим яна бир масаладир. Олий даражадаги **анжуманимиз ҳеч кимнинг олдига алоҳида сиёсий талаблар қўймайди.**

Баҳамжиҳат ҳаракатимиз руҳи мустақилликни, суверенитетни, ҳудудий яхлитликни ҳурмат қилиш, тенг ҳуқуқлилик, бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик каби энг муҳим принциплар асосига қуриляпти.

Муҳтарам жаноб Президентлар!

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий йўлида кенг миқёсдаги икки томонлама ва кўп томонлама алоқалар ўрнатишга интилиш ўз ифодасини топган. Бунда биз ёндашувнинг асосий мезони — Ўзбекистон Республикасининг давлат манфаатлари эканлигини яширмаймиз. Ахдлашувчи икки томоннинг миллий манфаатларини бир-бири билан боғлаш ҳамиша ниҳоятда қийин иш бўлган. Давлатлараро даражада эса шундай қилиш яна ҳам мураккабдир. Шу боисдан биз бу ишдаги қийинчиликларга ҳамда вақти-вақти билан етарлича кескин намоён бўлиб турадиган халқаро муаммоларга сабр-тоқат билан ва тушуниб муносабатда бўляпмиз. Ана шу муаммоларнинг кўпи Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришмасдан анча аввал юзага келган.

Биз шунга асосланамизки, ҳар қандай можароли вазият **ўзаро ёнбосишлар асосида тинч сиёсий мулоқот олиб бориш йўли билан** бартараф этилиши лозим. Тутилган йўлларнинг муросасизлиги, уларни янада кучайтириш, зўравонлик ва террор оддий кураш усулларига айланиб қолган, наркобизнес авж олаётган, қонунга хилоф равишда қуроляроғ билан савдо қилинаётган шароитда, айниқса, хатарлидир.

Тинчлик, барқарорлик, ҳамкорлик — Ўзбекистон давлати таяниб қурилаётган ва қад кўтариб турадиган учта устундир.

Шу билан бирга биз бир-бири билан боғлиқ ҳозирги дунёнинг бутун мураккаблиги ва бир хил эмаслигини тан оламиз ҳамда кўпчилик бўлиб куч-ғайрат сарфлаш муҳимлигини инкор этмаймиз. Шу муносабат билан мен мамлакатларимизнинг ташқи сиёсий фаолиятини мувофиқлаштириш, бу соҳадаги мавжуд хилма-хилликни бартараф этиш ниҳоятда зарурлигини, «Ташаббуслар танлови» ва чексиз «Ташкилий плюрализм»нинг номатлублигини таъкидлашни истардим.

Бирлашиш «омили» Марказий Осиё давлатлари учун, айниқса, долзарбдир. Уни тан олиш Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон иштирокидаги минтақавий ҳамжамиятни ташкил этишга олиб келди. Бу давлатлар биргаликдаги кучғайратлари билан ўзларининг маърифатли истиқболини шакллантиришга, тараққиёт ва фаровонлик йўлида ривожланиб боришга қарор қилдилар. Марказий Осиё давлатлари ҳамдўстлигининг ташкил этилиши уларнинг бошқа қўшни давлатлардан алоҳида ажралиб чиқишини билдирмай, балки у бозор сари ўтиш шароитида уларнинг хатти-ҳаракатларини жипслаштиришга қаратилгандир.

Бирлашиш жараёнини авж олдирмай туриб, Марказий Осиёда тараққиётни ва халқларнинг муносиб турмушини таъминлаш мумкин эмаслигини англаб етиш ниҳоятда муҳимдир. Бирлашиш фақат иқтисодиёт ва ишлаб чиқариш соҳасинигина эмас, шу билан бирга маънавий, маданий, илмий соҳаларни ҳам қамраб олиши керак.

Муҳтарам жаноб давлат бошлиқлари!

«Манас» достонининг минг йиллиги байрам қилинаётган кунларда қирғиз диёрида ўтказилаётган учрашувимиз ўзининг амалдаги самараларини беришига, давлатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги бирлашиш жараёнларини янада авж олдиришга хизмат қилажагига астойдил ишонаман.

Қардош халқларимиз ўртасидаги муносабатларда Бишкек учрашувининг қардошлик, хайрихоҳлик руҳи ҳамиша ҳамроҳ бўлишига ва уларнинг тобора яқинлашувига ҳамда тинчлик, бахт-саодат ва равнақ йўлида тараққий этишига кўмаклашишига ишончим комил.

Пировардида шу учрашувнинг ташкилотчиларига, хусусан, Қирғизистон Президенти жаноб Асқар Акаевга Ўзбекистон делегацияси номидан яна бир карра миннатдорлик изҳор этишимга ижозат бергайсиз.

Эътиборларингиз учун ташаккур.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «МАНАС» ДОСТОНИ 1000 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАДАГИ СЎЗИ

Муҳтарам Асқар Акаевич!

Ҳурматли меҳмонлар, азиз қирғиз оға-иниларим!

Аввало, барчангизни қардош қирғиз диёридаги улкан шодиёна — буюк «Манас» эпосининг 1000 йиллик тўйи муносабати билан Ўзбекистон халқи номидан қизғин табриклайман!

Азиз дўстлар!

Дунёдаги жуда кўп халқлар ўзларининг буюк-буюк ўғлонларини, мутафаккирларини улуғлашлари одат бўлиб қолган. Буни кўпчилик яхши билади.

Лекин бугунги 1000 йиллик тўйда қатнашишимиз, иштирок этишимиз қирғиз халқининг қадим-қадимий илдизлари ниҳоятда чуқурлигидан нишона, деб биламан. Шу билан бирга, бугунги тантана бутун Туркистонда шундай муқаддас заминда яшаётган халқларнинг илдизлари, томирлари ҳам муштараклиги ва улуғлигининг яна бир бор тасдиғидир.

Бундан ҳар қанча фахрлансак, ғурурлансак арзийди. Бундай бахт ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Бу тўй нафақат қирғиз эли учун, балки қадимий ва муқаддас Туркистон заминида асрлар бўйи оға-ини бўлиб яшаб келаётган барча халқлар учун катта тантана, зўр шоду хуррамликдир.

Биз, ўзбеклар, бугун «Манас» эпосининг тўйида қатнашар эканмиз, бир нарсадан ҳаққоний фахрланишга ҳаққимиз бор.

Қани айтинглар!

Қирғиз халқининг улуғ ўғлони Манаснинг суюкли умр йўлдоши, елкадоши, тоғу таянчи ким бўлган?

Унинг маслакдоши, достонда айтилганидек, энг қийин кунларида, умрининг охиригача садоқатли сафдоши ким бўлган?

Биз, ўзбеклар, катта ғурур билан, фахр билан айтамизки, бу аёл Бухоро хонининг суюкли қизи Хоникей бўлган.

Шундан кейин, азизларим, ўзбек ва қирғизнинг қардошлигига яна қандай далил керак? Яна қандай исбот керак?

Азиз дўстлар!

Тўйнинг ажойиб хусусиятларидан бири шундаки, у узоқларни яқин қилади, яқинларни эса тағин ҳам жипслаштириб қадрдон қилади.

Биз бугун жаҳон маданияти хазинасига «Манас»дек асар билан муносиб ҳисса қўшган қирғиз халқининг даҳоси ва бадиий тафаккури билан ҳақли равишда ифтихор қиламиз. Чунки қирғиз халқининг тарихи ва тақдири барча туркий халқларнинг, жумладан, ўзбек халқининг ҳам тарихи ва тақдири билан муштарак боғлиқдир.

Бизнинг ота-боболаримиз: «Бозоримиз ҳам, мозоримиз ҳам бир», — деб ўтганлар. Яхши-ёмон кунларда қисмат синовларини биргаликда бошдан кечирганлар, босқинчи ёвларга қарши бирга курашганлар, дўстлик бурчига ҳамиша содиқ қолганлар.

Туркистон халқларининг мумтоз миллий қаҳрамонлари — Ғуруғли, Алпомиш, Манас, Ойсулув, Авазхон сингари сиймоларга хос хусусиятлардан бири шуки, бу одамлар доим ўз атрофларига элу халқни йиғадилар, юртни обод, ҳаётни фаровон этадилар.

Қирғиз халқининг миллий қаҳрамони, донишманд Манас тарқоқ қирғиз қабилаларини, барча туркий эллари бирлаштиришга интилади, одамзодга доимо ватанпарварлик ва мардликдан сабоқ беради.

Қудратли ва салоҳиятли давлат барпо қилиш, уни тараққий эттириш — Манас ботир ҳаётининг бош мақсади ва мазмуни эди.

Бу олижаноб ғоя — ҳар доим бирга бўлиш, дўст бўлиш, ҳамдард, ҳамнафас бўлиш — биз учун, яқинда мустақилликка эришган Марказий Осиё халқлари учун бугунги кунда энг муҳим ва долзарб вазифадир.

Азиз бовурлар!

«Манас» қирғизнинг азалий ва абадий қомусидир, деб айтсак асло муболаға бўлмайди.

Юз йиллар оша ўз ота-боболарининг қутлуғ мёросини кўз қорачиғидай асраб-авайлаб келаётган, қардош-жондош қирғиз дўстларимизнинг бу борадаги ишлари ҳар қанча таҳсинга сазовор.

Шунинг учун ҳам бу достонни яратган ва унга асрлар давомида сайқал бериб келган қирғиз халқининг бадиий заковатига, ноёб истеъдодли манасчи оқинларга ўз эҳтиромизни, ҳурматимизни изҳор этиш — бизнинг бурчимиздир.

Яқинда Тошкентда бу салобатли достоннинг ўзбек тилидаги янги таржимаси босилиб чиқди. Биз бугун «Манас» гузалликларидан халқимизни баҳраманд қилиш ишига катта ҳисса қўшган атоқли шоир-таржимонларимиз Миртемир, Султон Акбарий ва Турсунбой Адашбоевларнинг номларини ҳам ҳурмат билан эслашимиз жоиз.

«Манас»нинг 1000 йиллиги муносабати билан бутун Ўзбекистонда жуда кўп анжуманлар, тантаналар бўлиб ўтди.

Қадрли дўстлар!

Мен сўзимнинг бошида халқларимизнинг яқин қариндошлиги тўғрисида гапирдим.

Уша гўзал аёл Хоникейнинг синглиси Арука Манаснинг тутинган иниси Алмамбетнинг хотини экан. Бухоро хонининг яна бир қизи эса Сари Аркадаги қозоқ хони Кўкча ботирнинг аёли бўлган.

Бундай қариндошлик ўша замонларда Бухоро, Талас ва Сари Арка хонликлари орасида тинчлик, осойишталикка хизмат қилган экан.

Мен нима демоқчиман?

Мен шуни айтмоқчиманки, Яратганнинг ўзи сиз билан бизга, юртимизга насл-насабимизни асрайдиган, давом эттирадиган гўзал аёлларни — табиат мўъжизасини ҳам ато этган!

Шунинг учун, биродарлар, Оллоҳ Таоло бизни, қирғизни, қозоқни, туркманни, тожикни, ўзбекни ва бошқа қардошларимизни ҳеч қачон қиз олиб, қиз беришдан, борди-келди қилишдан айирмасин.

Қадрдонларим!

Ўзбек билан қирғиз — бир туққан, бир туғишган. Бугунги кунда Ўзбекистон ҳам, Қирғизистон ҳам қийинчиликларни мардонавор енгиб, ўз мустақиллигини мустаҳкамламоқда, жаҳон ичра ўзига муносиб мавқени эгалламоқда.

Айниқса, Марказий Осиё давлатлари тепасида чарақлаб турган қуёшдан баравар нур эмиб, кўкка қараб бўй чўзаётган азим чинордек бўлиб, бир-бири билан кенгашиб, бир-бирини қўллаб-қувватлаб иш тутаётганлари, «Туркистон — умумий уйимиз» ҳаракатининг кунданкунга кенгайиб бораётгани айни муддао бўлмоқда.

Бу қондошлик-қардошлик ҳаракатининг эзгу мевалар беришида Манас каби улуғ миллий қаҳрамонларимизнинг руҳи бизга беқиёс маънавий мадад бўлиши шубҳасиздир!

Муҳтарам қирғиз бовурларим, азизлар!

Манас ва Алпомиш — қиёматли дўст. Ўзбек ва қирғиз — қиёматли дўст. Шундай экан, ижозатларингиз билан мен ўзбек халқи номидан, Алпомиш номидан сиз, азизларнинг ҳаммангизни, қадрдон дўстим Асқар Акаевни чин дилдан қутламоқчиман!

Манаснинг тўйи — бутун Туркистоннинг тўйи. Манаснинг тўйида қадим диёримизнинг забардаст мутафаккирлари Рудакий, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Маҳтумқули, Абай, Тўҳтағул, Бердақ ва бошқа улуғ зотларнинг руҳлари шод бўлаётгани рост бўлсин!

Манасдай суянчи бўлган Қирғизистон гуллаб-яшнасин, равнақ топсин!

(Боши 1-бетда).

бил ўқув режаси ва янги ўқув дастурлари асосида амалга оширилди. Унда «Она тили ва адабиёт», «Ўзбекистон халқлари тарихи» (5, 8, 11-синфлар), «Одобнома» (10-синф), «Инсон ва жамият» (11-синф) каби фанларнинг қитилишига алоҳида соатлар ажратилди. Иқтисод алифбоси (бошланғич синф), иқтисодий билим асослари (5—9-синфлар) каби янги предметлар киритилди. 10, 11-синф ўқувчилари эса «Ҳуқуқшунослик», «Менежмент ва маркетинг асослари», «Дин тарихи» каби янги факультатив предметларни танлаб олиш имкониятига эга бўлдилар.

Бозор иқтисодига ўтиш даврининг таълимга бўлган талаби ўқув муассасалари янги турларининг ривожланишига йўл очаётир. Бугунги кунда республикамизда 126 та лицей, 77 та гимназия, ихтисосий йўналишдаги мактаб-интернатлар фаолият кўрсатаётганлиги, иқтидорли ўқувчиларни излаб топиш ва уларни ўқитишга алоҳида аҳамият берилаётганлиги бунга мисолдир. Жаҳон таълим тизимларидаги илғор тажрибалар, хусусан, билимни синашнинг тест синовлари, рейтинг усуллари мактабларимиз амалиётидан урин олаётир. ЭҲМнинг ўқув жараёнида ва дарсдан ташқари тадбирларда кенг миқёсда ишлатилиши ҳам ўтган йиллардаги янгиланишга хос белгилардандир.

Бугунги мактаб педагогик жамоаларининг фаолияти таълим сифатини жаҳон стандартлари даражасига етказишга йўналтирилган. Бу борада икки йилдан бери ўтказилиб келаётган диагностик таҳлиллар муҳим аҳамият касб этаётганлиги ҳам сир эмас. Эндиликда диагностик таҳлил ҳар бир педагогик жамоанинг, ўқитувчининг фаолиятига баҳо беришнинг, ўқувчилар билим савиясини аниқлашнинг, шу билан бирга илғор тажрибаларни белгилашнинг, камчилик ва нуқсонларни бартараф этишнинг, муаммоларни ҳал этиш йўлларини кўра билишнинг энг яхши усули бўлиб қолди. Билимни синашдаги тест натижалари диагностик таҳлилининг кўрсатишича, Тошкент шаҳри, Наманган, Хоразм, Самарқанд, Фарғона ва бошқа бир қатор вилоятларнинг мактаб ўқувчилари дастур материалларини яхши ўзлаштирганлар, республика мактабларида эса гуманитар фанлардан дарс бериш бошқа фанларга нисбатан яхши йўлга қўйилган. Бироқ математика, кимё, биология, физика ва чет тили фанларининг ўқитилишида жиддий нуқсонлар бор. Бунга доир масалалар ўқитувчиларнинг август кенгашлари шўъба йиғилишларида чуқур таҳлил этилди, минтақавий аниқ вазифалар, чора-тадбирлар белгилаб олинди, албатта.

Ўқувчиларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, касбларга йўналтириш, ҳунар эгаси бўлишига эришиш ҳам халқ таълими олдидаги энг долзарб вазифалардандир. Ана шу маънода бозор иқтисодига босқичма-босқич ўтиш шароитида ҳунар билим юртларининг ўрни ва мавқеи ортиб бораяпти. Ўтган ўқув йилида республика ҳунар билим юртларида халқ хўжалигининг турли тармоқлари учун зарур бўлган 270 дан зиёд ишчи касблари бўйича 220 минг йигит-қиз таълим олди. Фақат шу йилнинг ўзидаёқ мазкур билим юртларининг кундузги бўлимларини 144,2 минг ўқувчи битириб, ишлаб чиқаришга йўлланма олди. Шунингдек, ҳунар таълимида миллий ҳунармандчиликка ҳам жиддий эътибор қаратилаётир. 12 та миллий ҳунармандчилик лицейларида 30 та мутахассислик бўйича халқ ҳунармандчилиги усталари тайёрланаётгани бунга мисол бўла олади.

Ҳукуматимизнинг яқинда эълон қилинган қишлоқ ҳунар билим юртларини қайта ихтисослаштириш тўғрисидаги қарори ҳамда бозор иқтисоди муносабатлари талабларидан келиб чиқиб, ишларнинг замонавий касб тайёргарлигини таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланди ва амалга оширилмоқда. Бу соҳадаги вазифа маҳаллий-ҳудудий эҳтиёжлардан келиб чиқиб, бозор иқтисоди шароитига мос янги технологияни мукаммал эгаллаган юқори малакали ишчи кадрлар тайёрлашдан иборат. Умуман, ҳунар билим юртлари йўналишларини жамиятимизда содир бўлаётган иқтисодий ўзгаришларга асосан қайта кўриб чиқиш, техник, ҳунармандчилик лицейларини енгил саноат, фермерлар хўжалиги, маиший хизмат учун ишчи кадрлар, тадбиркорлар тайёрловчи масканларга айлантириш энг долзарб ишларимиз бўлмоғи лозим. Шунингдек, ҳали бу соҳада ҳал этадиган кўпдан-кўп муаммолар ҳам бор.

Халқ таълими тизими олдидаги улкан вазифаларни муваффақиятли амалга оширишнинг бош ижодкори бу педагог ходимлардир. Шу боис мустақил республикамиз раҳбарияти бозор иқтисоди шароитида педагогик ходимларни иқтисодий муҳофаза қилиш, уларнинг обру-эътиборини қўтариш масалаларига доимий эътибор бериб келаётир. Президентимизнинг қатор фармонларига асосан қисқа вақт ичида 117775 нафар педагогик ходимга яшаб турган уйлари хусусийлаштириб берилди, уларнинг 35415 нафарига уй қуриш учун ер участкалари ажратилди. Бугунги кунда соҳанинг 531 мингдан зиёд ходими коммунал хизматдан, электр қувватидан, газдан имтиёзли ҳамда 792 мингдан ортиқ ўқитувчи ва тарбиячи шаҳар транспортидан бепул фойдаланмоқда. Қатор ҳокимликлар маҳаллий шароитлардан ҳам назарий, ҳам амалий билимлар билан қуроллантиришга йўналган кўпдан-кўп тадбирларни изчил ўтказиб келмоқда. «Йил ўқитувчиси», «Йил тарбиячиси», «Йил мактаби» кўрик-танловлари, ўқитувчи ижодкорлиги бўйича республика кўргазмалари сингари оммавий тадбирлар яхши анъанага айланди.

Эндиликда биз муайян педагогик йўналишда тажриба-синов майдони бўлиб қолган мактабларга, илғор педагогик ғояларни таълим жараёнида мувaффақиятли қўллаб, ижодий ютуқларга эришаётган юзлаб ўқитувчи ҳамда тарбиячиларга, замонавий янги дастурлар, дарсликлар, қўлланмалар яратаётган иқтидорли педагогларга эга бўлганимиз билан фахрлансак арзийди. Шу билан бирга ўқитувчилар ўртасида ўтказилган тест-синовлар, рейтинг натижалари, таҳлилларининг кўрсатишича, педагог ходимлар назарий ва амалий тайёргарлиги юзасидан ҳали кўп ишлар қилишимиз керак.

Бугун биз жамиятимиздаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларга ҳамоҳанг равишда педагогика ўқув юртлари ҳамда малака ошириш тизимида дастлабки ўзгаришларни амалга оширдик, деб айта оламиз. Жумладан, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида мавжуд 76 та кафедрадан тўрдошлари бирлаштирилиб, 62 тага келтирилди. Айниқса, педагог касбига ласқатли ёшларни олдиндан аниқлаш, тайёрлаш ва педагогика ўқув юртларига жалб қилишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Ана шу мақсадда Тошкент вилояти педагогика институти, пойтахтдаги мактабгача тарбия билим юртида лицейлар ташкил этилди. Жиззах давлат педагогика институтида кўп тармоқли лицей, Чуст, Тошкент, Ангор педагогика билим юртларида лицей синфлари ўз фаолиятларини давом эттирмоқда.

Шулар билан бирга, муҳими, амалий фаолиятдаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш ҳам биринчи даражали вазифалардан бўлиб келмоқда. Бу ўринда фақат 1994 йилнинг ўзидагина соҳанинг 78.472 ходими малакасини оширганлигини қайд этишнинг ўзи исбот талаб этмайдиган далилдир. Малака оширишни янада такомиллаштириш, сифат жиҳатидан XXI аср ўзбек мактаби талабларига қўтариш кўчиктириб бўлмайдиган долзарб вазифаларимиздандир. Шунингдек, педагогик кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ кўпдан-кўп муаммоларни ҳал этишимиз лозим. Жумладан, Давлат таълим стандартлари бўйича республика Инспекцияси ўтказган аттестация натижаларига кўра, Самарқанд, Термиз, Ангрен педагогика билим юртларида ўчраган ўқув режаси ва дастурлардан четга чиқиш, амалий машғулотларга эътиборсизлик, тарбиявий машғулотларни ташкил эта билмаслик каби камчилик ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф этиш керак.

Таълим тизимидаги педагогик ходимлар кўп қиррали фаолиятининг, ташкилий ишларга сарфланган қўламли меҳнатнинг бутун натижаси ўқувчилар билимида, уларнинг ҳаётга тайёргарлигида, ишбилармонлиги, ахлоқи ва маданиятида намоён бўлади. Худди шунинг учун, аввало, дарс жараёнида ўқувчилар билим даражасини аниқлаш ва уни тўғри баҳолаш муҳим аҳамият касб этади. Кейинги пайтларда мутахассислар ўқувчилар билимини баҳолашнинг беш баллик тизими эскирганлигини айтмоқдалар. Ана шу фикрлар инобатга олиниб, ҳозир республикамиз таълим тизимида ўқувчилар билим даражасини аниқлашнинг турли усуллари тажриба тариқасида қўлланилаётир. Бу ўринда Тошкент шаҳри, Андижон ва Самарқанд вилоятлари айрим педагогик жамоаларининг ўқувчилар билимини кўп баллик тизим (рейтинг) асосида баҳолаш тажрибалари эътиборга лойиқ. Вазирлигимиз янги ўқув йилида ҳам таълимнинг бошқарув органлари Ўзбекистон Педагогика илмий-текшириш институти билан ҳамкорликда билимни баҳолашнинг янги усулларини излаш ва амалиётга татбиқ қилиш бўйича изланиш ва тадқиқотларни давом эттиришига кенг имконият яратади.

Маълумки, таълимнинг самарадорлик мезони унинг халқаро стандартлар талабларига жавоб бериши билан белгиланади. Бунинг учун эса жаҳон педагогикасининг, айниқса, ривожланган давлатларда таълимнинг ўзига хос жиҳатларини кенг педагогик жамоатчиликка етказиб бериш ҳамда маҳаллий шароитдан келиб чиқиб, амалиётда қўллаш муҳимдир. Бу йўналишда ҳам талайгина ишлар қилинмоқда. АҚШ, Япония, Германия, Франция, Нидерландия, МДҲ га кирувчи мамлакатлар билан таълим соҳасидаги ҳар томонлама алоқалар шулар жумласидандир. Янги ўқув йилида ҳам бу ишлар кенг қўламда давом эттирилади. Айниқса, чет тилларини ўргатиш масалаларига янада жиддий эътибор берилади.

Умуман, таълимдаги ислоҳотларнинг йўналишлари серқирра ва кўлами кенг. Эришилаётган натижалар, ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар ҳам кўп ва хилма-хил. Уларни бир мақолада санаш ва тавсифлашнинг имконияти ҳам йўқ, албатта. Бироқ, шуни айтиш мумкинки, мактабгача ёшдаги болаларни мактабга тайёрлаш, боғча — мактаб — ҳунар билим юрти — институт мажмуаларини яратишдан тортиб, ўқувчиларга чуқур билим ва касбий кўникма беришгача бўлган барча жараёнда туб ўзгаришлар рўй бермоқда. Таъбир жоиз бўлса, шундай ифодалаш мумкинки, таълим тизимининг ҳар бир бўғинида умидбахш қуртаклар бўртяпти, яшаряпти, ғунчаляпти. Уларни қадриятларга асосланган ўзбек миллий мактаби келажагининг илк нишоналари, Мустақиллик мевалари дейиш мумкин.

Янги ўқув йилининг мамлакатимиз ҳаётидаги катта байрам — Мустақиллик куни тантаналари билан уйғун бир даврда бошланишида ҳам кўп рамзий маъно бор. Мактабларда утадиган байрам тадбирлари, ўқув йилининг биринчи сабоғи — «Мустақиллик дарси», ҳафталиклар, эрталиклар ёш авлодда Ватанга, меҳнатсевар халқимизга меҳр-муҳаббат ва садоқатни оширади, ўқишга бўлган масъулиятни кучайтиради, келажаги буюк мамлакат фуқароси эканлиги билан фахрланиш туйғусини жуштиради. Демакки, келажак мактабдан бошланади, истиқбол ғоялари ҳам таълим-тарбияда йўғрилади. Бир сўз билан айтганда, ўзбек миллий мактаби миллат келажагининг бешигига айланади.

Имкониятдан фойдаланиб, халқ таълимининг барча ходимларини, устозлар ва мураббийларни, ўқувчилар ва талабаларни, ота-оналарни, таълим ҳомийлари ва жонкуярларини улуғ байрам — Мустақиллик куни билан, таълим тизимида янги ўқув йилининг бошланиши билан қизғин қутлайман ва ёш авлодга таълим-тарбия беришдек эзгу ишда катта муваффақиятлар тилайман!

ҲАР ЎҚУВЧИ — ВАТАННИНГ ЮЗИ

БИЛИМ ЧИРОҒИ

Мақсуд ҚОРИЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

Эски шаҳарнинг Тарновбоши маҳалласида Собир домла деган кишининг мактаби бўларди. Уша олийжаноб, маърифатпарвар инсон энг оғир қийинчилик йиллари ўз уйини мактаб қилиб болаларни ўқиттан эди. Мен биринчи синфга ўша ҳурматли зотнинг мактабига борганман. Кейин Тахтапулда янги мактаб қурилгач, биз ўша, 122- мактабга кўчиб ўтдик. Ёдимда, ушанда бизга Носирхўжа Акбарҳўжаев деган киши математикадан дарс берарди. Сержаҳл, зардали, бунинг устига кўриниши хунук одам эди. Агар дарсингни яхши тайёрлаб келмасанг, тахта олдига чиқариб қўйиб, роса дашном берарди. Бир куни сабоғини қилиб келмаган бир ўқувчини доска олдига турғизиб қўйиб, бир соат аҳлоқ-одобдан дарс ўқиган, қўнғироқ бўлиб, яна танаффус ҳам тугаб, бошқа ўқитувчи кириб келганидагина сўзлашдан тўхтади. Аммо шуни айтмоғим лозимки, бизни ўқитган муаллимларимиздан айнан ўша зот ёдимда қолган. Чунки Носирхўжа Акбарҳўжаев ғоят жонкуяр, қунглида заррача ҳам ёмонлиги йўқ инсон эди. Бир мулоҳаза сифатида демоқчиманки, нима учун Тошкентдаги бирорта мактабни маориф фидойиси ҳамда шу йўлда кўп ўқубатлар чеккан Собир домла номига қўйиш мумкин эмас? Мен ўша жонкуяр ўқитувчимни ҳечқачон унутмайман. Ё бўлмаса маърифий ишларга салмоқли улуш қўшган, атоқли муаллимимиз Оқил Шарофиддиновни, ҳозир ҳам ёш авлодга таълим-тарбия бериб келаётган, мактаб директори Ҳокимжон Ҳошимовларни республикада ким билмайди, дейсиз?

Маърифатпарвар Собир домла, математика ўқитувчимиз Носирхўжа Акбарҳўжаев, Оқил Шарофиддиновларни тилга олишимнинг боиси шундаки, улар фидойилар, ҳалол-покиза инсонлар эдилар. Ахир элюрт иши, маърифат иши, ёшлар тарбияси масаласига енгил-елпи қараб бўлмайди-ку! Ҳурматли Президентимиз Ислом Каримов элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак, деб бежиз айтмаганлар. Зеро, биз ҳаёт тақозоси ва Аллоҳнинг каромати билан ҳақиқий мустақилликка эришдик. Ахир биз Шўро даври исканжасида бундай адолатли, ҳур замонлар келишини сира-сира ҳаёлимизга ҳам келтирмаган эдик.

Ўзбекистон жаҳон фани, маданиятига беқиёс тенги йўқ олиму алломалар, шоиру фузалоларни етиштириб берди. Ибн Сино, Беруний, Ал-Форобий, Ал-Хоразмий, Алишер Навоий ва юзлаб алломалар бутун жаҳонга машҳурдир. Республикамиз фахри бўлган академик Қори Ниёзийни ким билмайди? Унинг «Улуғбекнинг астрономик мактаби» китоби ўша вақтлари давлат мукофотига сазовор бўлган. У, ғоят камтарин аллома, зукко инсон эди. Республикамиз Фанлар академиясининг президенти Ҳабиб Абдуллаев илм-маърифат дунёсида ўчмас из қолдирган олим-мутафаккир эди. Киёмгар олим Обид Содиқовчи?

Мана, энди истиқлолимизнинг тўрт йиллигига ҳам етишдик. Кўз ўнгимизда жонажон Ўзбекистонимизнинг қиёфаси, иқтисодиёти, мафкураси, одамларнинг турмуш тарзи ўзгариб бормоқда. Қадимий миллий анъаналаримиз, одатларимиз, маънавиятимиз қайта туғилди. Ҳаммадан ҳам эътиқодимиз, иймонимиз поклади. Исломга кенг йўл берилди. Истиқлолимизнинг миллий анъаналарга асосланган янги мафкураси туғилмоқда.

Халқимизнинг келажаги порлоқ. Ҳа, Ўзбекистон келажакда буюк, қудратли давлат бўлади. Бу халқимизнинг эзгу истаги, орзу-умиди, қатъий қароридир. Аммо қудратли давлатни барпо этиш ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун меҳнат, ҳалол меҳнат қилиш, ақл-идрок билан жон куйдириб, ёниб, ҳалоллик билан ишлаш керак.

Истиқлолимизнинг тўрт йили ичида амалга оширилган жаҳоншумул ишлар, айниқса ёшлар, соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказиш соҳасидаги бошланган ҳаракат, бу ишга бутун жамоатчилик, турли жамғармалар, маориф, олий таълим соҳаларининг кенг жалб этилиши, айниқса, яхши натижалар бераётир. Қанча-қанча ёшларимиз Европа, Америка ва Осиёдаги тараққий этган мамлакатларга ўқиш, тажриба ўрганиш учун юборилмоқда. Ахир, бундай имконият илгарилари қаерда эди?! Советлар замонида ажнабий мамлакатларга бориб ўқиш у ёқда турсин, бир илож топиб, хорижга бориб келган кишига тинчлик йўқ эди. Ёдимда, менинг бир қариндошим, иқтисодчи Ҳабибулло Пўлатов Америка қўшма Штатларига сайёҳ сифатида бориб келгандан сўнг бир неча йил давомида таъқибда юрди.

Ҳабибулло ака бир куни менинг ҳузуримга келиб:

— Ука, маслаҳатга келдим, Америкага бориб келдиму, ҳаловатим бузилди, энди нима қилай, — деб қолди.

— Бирор жойда алжиб қўйдингизми? — сурадим.

— Йўғей, нима дердим, кўрган-билганларимни сўзладим, холос.

— Мақтадингизми?..

— Нима десам экан... — чайналди Ҳабибулло ака.

— Сизга маслаҳатим, энди Америкадаги ҳаётни кўпроқ ёмонлаб гапиринг, — дедим.

Мутаълик, қарамлик йиллари ана шундай оғир даврлар эди. Энди ҳар бир фуқаро, ким бўлишидан қатъи назар, олимми, тижоратчими, оддий деҳқонми, ишчими, истаги чоғида дунёнинг истаган давлатига бора олади. Ўқиш, билим олиш, ҳунар ўрганиш учун барча имкониятлар мавжуд. Булар барчаси мустақиллик туфайли эмасми?

Истиқлолимизни қадрлайлик, эъзозлайлик. Она заминимиз, серқуёш диёримизни севиб, ардоқлаб, унинг келажаги, истиқболи учун, яхши ўқиб, билим асосларини қунт билан ўрганайлик. Ҳозирги замонамиз учун иқтисодни яхши биладиган, иқтидорли, ташкилотчи, оғиздан ўт чақнайдиган,

ЙИЛИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД

МУСТАҚИЛЛИК ШАХС ҚИСМАТИДА

Инсоният тарихида ҳар нарсанинг яхшилиги унинг одамларга келтирган нафи билан ўлчанади. Одамга келадиган нафнинг тури кўп. Унинг энг аълоси — маънавий баркамоллик манфаати!

Юзаки қараганда, маънавий баркамолликка интилиш ҳар кимнинг мутлақо шахсий ташвиши бўлиб кўринади. Бу бир жиҳатдан шундай, холос. Аслида том маънодаги комил шахсларнинг кўпайиши қулай шарт-шароитлар яратилган жамиятдагина ҳақиқий изга тушади. Шу боис жамиятнинг етуклиги аксарият ҳолларда ўз фуқароларини шахс сифатида тарбия топишлари учун яратиб берган имкониятлари билан белгиланади.

Демак, ҳамонки шахс мақомига кўтарилиш ҳам хусусий, ҳам ижтимоий ҳодиса экан, унинг муаммолари ҳам кўп жиҳатдан шахс ва жамият муносабатларига бориб тақалади.

Онгли одамнинг шахслик мақомига эришиш омиллари ниҳоятда кўп. Шахслик фазилатларининг жамият билан уйғунлиқда шаклланиши ана шу омилларнинг энг муҳими саналади.

Одам улғайгани сайин жамият билан мустаҳкамроқ боғланаверади. У истайдими-йўқми ижтимоий воқеа-ҳодисалар, ижтимоий бўғинлар орасида яшайди. Оила, қўни-қўшни, маҳалла-қўй, мактаб, ўқув ва иш жойлари — шуларнинг ҳар бири жамиятнинг фуқаролар бирлигини таъминлаб турувчи алоҳида бир бўғини. Инсон табиатида «мен» тушунчаси бор. У то, ҳаёт экан, ана шу «мен» измида яшайди. «Мен» уни тинимсиз изланишга, янгиликлар яратишга, даромад орттиришга, эл-юрт назарига тушишга даъват этади. Булар — қусур эмас, салбий ҳодиса ҳам эмас. Негаки, «менки», «менга», «мен учун» майли бўлмаганида инсон ҳозирги тараққиёт даражасига чиқмаган бўлур эди.

Фақат шуни унутмаслик керакки, мазкур майллар инсоннинг асосан биологик индивидлик хусусиятидан келиб чиқади. Бироқ инсон айни чоқда ижтимоий индивид ҳамдир! Зеро, у нуқул биологик жондор сифатидаги майллари измига юраверсаю, ижтимоий муносабатлар бандаси ҳам эканлигини унутса... жамият бўлмайди. Жамият бўлмаган жойда... ҳе-еч қандай инсоний қадриятларга ўрин қолмайди.

Бир миллатга ёхуд муайян эътиқодга мансуб гала-гала одам ягона ҳудудда яшайвергани билан у тўлақонли жамиятга айланиб қолавермайди. Ўзининг биологик майлларини унутмагани ҳолда ижтимоий индивидлик мажбуриятларини англаб етган ШАХСлар иттифоқи юзага келган макон ва замондагина ЖАМИЯТ шаклланади. Бунинг муҳим шарти ўз «мен»и эҳтиёжини жамият эҳтиёжи билан уйғунлаштира олишда намоён бўлади.

Хўш, шахс «мен»и жамиятни қадрламаса, Ватан туйғусини қалбан ҳис қилмаса-чи?.. Жамият буни кўра-била туриб ошкора тан олмаса, миллионлаб «мен»лар орасидан зўраки ватанпарварларни етиштирган бўлса-чи?..

«Совет кишилари»нинг энг улкан фожиаси ҳам шунда — Ватан туйғусининг ёлғонлигида эди. «Совет Иттифоқи бепоён ватан» дея тиллар толмаган эсада, қалблардаги асл ватан туйғуси ўзгача эди.

СССРнинг тарқаб кетишига олиб келган бош сабаблардан бири шунда эмасми?!.

Бойликни, бисотни ҳар ким ўзича талқин қилади. Менимча, замондошларимизнинг энг улкан бойлиги Ватан хусусидаги ёлғон туйғудан халос бўлишдир!

Алданган «мен»лар ҳақиқий Ватанни танимоқдалар.

Ўзбек «мен»и қайта бунёд этилмоқда.

Озод Ватаннинг ҳур фуқароси тушунчаси кишиларга шахслашув жараёнини соғломлаштирмоқда.

Ўзбек «мен»и соғломлашмоқда.

Камдан-кам авлодларга насиб этадиган бойлик. Бисотга айланмоғи зарур бўлган бойлик!

Жамият ва шахс муносабатларининг уйғунлашув жараёни осонгина кечавермайди. Бунинг учун курашиш, изланиш, оқилона ва одилона тадбирлар кўриш керак бўлади.

Шахс «мен»идаги биологик майллар «менга», «менки» тушунчалари измида бўлиши айтилди. Бу майллар кишининг жамият билан бўладиган муносабатларида ҳам ўз кучини кўрсатади. Жўнлаштириб айтсак, одамдаги ҳудбинлик майли жамиятдан тинимсиз юлиб қолишга ундайди. Лекин жамият ҳам бамисоли жонли организм. Бамисоли бир инсон. У ҳам ўзини ҳимоя қилади. Унинг ҳам ўзлиги, ўз «мен»и бор. Бинобарин, гарчи у етуқ шахслар ҳисобига тўлақонли жамият мавқеига эришган бўлса-да, кези келганда, у ўзини ҳаддан ошган фуқаролари зўгумидан, тажовузидан муҳофаза қилади.

Жамиятнинг ва шахсларнинг равнақи кўзланган ватанда икки томон ўртасидаги муносабатларни ниҳоятда одилона бошқаришга тўғри келади. Шахс ва жамият тарафма-тараф бўлиб бири иккинчиси устидан зўравонлик йўлига ўтса маънавий, маърифий ва ҳаётий пароканделиклар келиб чиқади. Жамият шахсга нисбатан, шахс жамиятга нисбатан хийла-найранг йўлини тутса, «сен менга нима каромат кўрсатяпсан?!» қабилидаги саволлар қўндаланг қўйилса мувозанат издан чиқади. Оқибатда ҳар икки томон завол топади.

Шу маънода бизнинг Ватанда гоятда ҳушёр сиёсат юргизилмоқда.

Одамлар ўз ҳаётларини кўпроқ виждон, диёнат, инсоф сингари қадриятлар асосига қурадилар, жамият эса асосан қонунларга бўйсунади. Жамият ва шахс ўртасидаги айрим «келишмовчилик»лар кўзга ташланган жойда аксарият ҳолларда мазкур қонуният эътиборга олинмайди. Масалан, жамият устидан оддий инсоний қадриятлар мезонига биноан ҳукм чиқарилади.

Узоққа бормайлик: Ватан мустақиллигини шахслар ҳурлиги деб бир ёнга оғиб кетиш қанақанги аянчли аҳволларга олиб бориши мумкинлиги қатор ҳамдўстлик мамлакатларида кўринди. Шахснинг ҳурлиги жамият қонунлари доирасидагина эркин бўлмоғи зарурлиги, янглишмасам, биринчилардан бўлиб Ўзбекистонда англаб етилди ва вазият тақозосидан келиб чиқиб тўғри йўлга қўйилди. Рус файласуфи Н. Бердяев мақолаларидан бирида фуқароларда давлат қонунидан эркин бўлиш (жамият ўзича, фуқаролар ўз ҳолича) майли мавжудлигини таҳлил қилган. Ўзбекча изоҳ берилса, бизда бу бевошликка тўғри келади.

Ахир қайси давлат ё жамият ўз ҳаётини, турмушини бебошлик асосига қуради?!. Ҳатто мутлақ демократик давлатларда ҳам жамият ва шахс муносабатларидаги мувозанатни сақлаш учун қонунларга сўзсиз бўйсунишга тўғри келади.

Мен бу билан юртимизда қузатилаётган айрим қийинчиликларни, камчиликларни хаспўшламоқчи эмасман. Мустақил яшаш йўлига тушаётган жамият ва мустақил шахс истагида ўзлигини англаётган фуқаролар ўртасида юксак маънодаги демократик муносабатлар ўрнатиш уч-тўрт йиллик қисқа фурсатларда сайқал топиб улгурмайди. Бундай ўтиш даврида ҳар қандай саъй-ҳаракат бошқарувини катта масъулият билан давлат ўз қўлига олиши маъқул кўрилмоқда. Қонунларга таяниш йўлини танлаётган жамият шахс «мен»ини бамисоли истиқлол руҳи билан аста-секин баҳраманд этмоқда.

Бу баҳрамандлик келгусида эзгуликка хизмат қилишига ишонамиз.

● *Ўқитувчиларнинг август кенгашлари*

МУАЛЛИМЛАР БАЙРАМИ

Кенгашли тўй тарқамас, дейди халқимиз. Келинг, шу мақолни мавзуимизга татбиқ қилайлик. Яъни «Тўйни» янги ўқув йили деб оладиган бўлсак, унинг «тарқамас»дан, кўнгилли ўтишига август кенгашлари кафолатдир.

Яқинда пойтахтнинг гўзал масканларидан бири — «Туркистон» саройида бўлиб ўтган Тошкент шаҳар халқ таълими ходимлари анъанавий август кенгашини қузатиб, шу ҳақда ўйладим. Назаримда, кенгаш мазмунан кенг қамровли, йилга татигулик бўлди.

Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси бошлиғи Ҳамидулла Йўлдошев анжуманда сўзга чиқиб, пойтахт мактабларининг кечаги, бугунги ва эртанги куни ҳақида маъруза қилди. Жумладан, маърузачи ўқитувчилик масъулиятига алоҳида тўхталди:

— Халқ таълими тизими шунчалар мураккаб ва сезгирки, унинг бирон-бир қисмидаги бузилиш тизимнинг умумий фаолиятига бериладиган баҳода ўз аксини топади.

Халқ бизга ўзининг энг қимматли нарсасини — болаларни ишониб топширган. Давлат доимо ўқитувчилар обрўси ва ижтимоий аҳволини кўтариш учун ғамхўрлик қилмоқда. Ишимизда йўл қўйган хато ва суиистеъмолчиликлар учун бизни ҳеч ким кечирмайди. Ҳар бир участкада назоратнинг аниқ механизмини ишлаб чиқиш, тарбия ва таълимнинг мураккаб масалаларини ҳал этишга жамоатчиликни жалб қилиш зарур.

Шундан сўнг кенгаш қатнашчилари маъруза юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Утган ўқув йили сарҳисоби, янги ўқув йили режалари, халқ таълимида янги-янги ўзгаришларни жорий этиш ва яна кўплаб масалалар бўйича мунозаралар бўлди.

Шунингдек, улар янги педагогик йиғилишлар презентацияси бўйича болалар боғчаси — мактаб, мактаб — олий ўқув юрти, ҳамда ҳунар билим юрти — мактаб комплекси борасида Тошкент шаҳридаги 309-Шарқ тиллари мактаб-лицейи ўқувчилари, 455-болалар боғчасининг тарбиячилари, 307-мактаб ҳамда 25-ҳунар билим юрти муаллимлар жамоаларининг назарий ва амалий иш тажрибалари билан яқиндан танишдилар. Бу ерда эришилаётган бир қатор ютуқ ва муваффақиятларни кенг оммалаштиришни анжуман иштирокчилари уз олдига мақсад қилиб қўйишди.

Анжуманда бўлиб ўтган яна бир эътиборли воқеа: эндигина ўз фаолиятини бошлаётган ёш ўқитувчиларга меҳнат дафтарчалари топширилди. Уларга тажрибали кекса педагоглар оқ йўл тилаб, фотиҳа бердилар.

Йиғилишда Узбекистон халқ таълими вазирининг биринчи муовини Йўлдош Саиджонов, вазир ўринбосари Муртазо Султонов, таниқли болалар ёзувчиси, «Истеъдод» жамғармаси раиси Худойберди Тухтабоев ва бошқалар иштирок этишди.

Кенгаш сўнгтида бир қатор жонкуяр ўқитувчилар ва тарбиячилар «Ижодкор ўқитувчи», «Халқ таълими аълочиси», «Халқ таълими фидойиси» каби нишонлар ва пул мукофотлари билан тақдирландилар.

Ж.ИСКАНДАРОВ,
«Маърифат»нинг махсус мухбири.

Қибрай тумани маорифчиларининг август кенгаши «Таълим мазмунини янгилаб, уни такомиллаштирайлик» шиори остида ўтди. Унда туман ҳокими А.Йўлчиев, халқ таълими бўлими мудири У.Мусаев ва бошқалар «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг амалда бажарилиши, муалимларнинг шу кундаги долзарб вазифалари, мактаб ва оталиқ ташкилоти ҳамкорлиги таълим мазмунини яхшилашда илғор иш усулларининг аҳамияти каби масалалар хусусида атрофлича сўз юритдилар.

Шўъбаларда тажрибали ўқитувчилар дарс самарадорлигини ошириш, синфдан ташқари ишларни жонлантириш борасидаги фикрларни ўртага ташлашди. Кенг баҳс-мунозаралар остида ўтган бу кенгашда мустақиллик дарсини қандай ўтиш, ўқув йили ҳафтасини қай тарзда бошлаш зарурлиги юзасидан ҳам тавсиялар берилди.

МУХБИРИМИЗ.

Ҳамза тумани муаллимларининг ҳам анъанавий август кенгашлари бўлиб ўтди. Даставвал, муаллим ва илмий бўлим мудирлари шўъбаларга бўлиниб, 244-мактабнинг лаборатория, фан кабинетлари, физкультура ва спорт заллари, меҳнат таълими хоналари безатилиши, ёш мутахассис-муаллимлар билан, маҳалла қўмитаси билан мактабнинг ишлаш тажрибалари, мактаб ташкилотчиси ва директорининг иш фаолиятлари билан танишдилар.

Шундан кейин кенгаш қатнашчилари Ҳамза туман халқ таълими мудири Ислом Зокировнинг «1994—95 ўқув йилининг якуни ва «Таълим тўғрисида»ги Узбекистон Республикаси Қонунининг бажарилиши» ҳақидаги маърузасини тингладилар.

Муҳокамада сўзга чиққанлар ёш авлодни камол топтириш жараёнида фуқаролик тарбияси, халққа, Ватанга бўлган муҳаббат туйғуси, осойишталикка интилиш, мустақил давлатнинг гуллаб-яшнаши учун фаоллик кўрсатиш ҳамда табиатни ва атроф-муҳитни яхшилаш каби масалалар юзасидан сўз юритдилар.

Кенгашда педагогик ҳамкорлик шароитида ўқитувчи ва ўқувчи, мактаб, маҳалла, ота-оналар, меҳнат жамоалари ўзаро фаолиятининг янги шаклларини киритиш ва уларни такомиллаштириш, балоғатга етмаганлар ўртасида тартиббузарликнинг олдини олиш, тарбия тизимини ривожлантириш, мактаб-маҳалла-оила тизими бўйича ҳуқуқий тарбия фаолиятини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Қидирбой ТЎЛАБОЕВ.

● *ИНШО*

«Бир олма каби, бир иссиқ нон каби дунёни бир кун болаларга топширайлик», дея хитоб қилади шоир. Токи улар беғубор юраклари ила жилла қурса бир кун дунёмизни мусаффо этсин. Қиқирқиқир кулгулари қушлар каби гирдо-гирд учсинлар — бу қушларнинг юксак парвозларини кузатиб дунёнинг кенглигига ишонайлик.

Унгача болалар дунёни кузатадилар, дунёи дунда неки ўзгариш бор, унга ҳаққоний баҳони болалар берадилар. Бу баҳо самимийлиги, ҳар қандай манфаатдан холилиги билан эътиборга молик.

Дарвоқе, Шаҳрисабз туманидаги Мирзо Бедил номидаги 13-ўрта мактаб ўқувчиси Гулбаҳор Ҳакимова ўз дилидаги кузатишларини иншо этиб, таҳририятимизга жўнатибди. Кузатишлар юртимизнинг кейинги тўрт йили — Истиқлол даври ҳақида. Келинг, уларни биз ҳам бир қур ўқиб чиқайлик.

* * *

1991 йил, 1 сентябрь. Қуёш бу кун ўзининг ўзгача заррин нурларини таратиб уфқдан бош кўтарди. Гўёки, Узбекистон шодлигига шерик бўлмоқчидек.

Юртим, мана неча асрлардан бери орзиқиб кутганинг — Мустақиллик кунлари етиб келди. Сени неча асрлардан бери эзиб келганлар халқингни саводсиз деб таърифлашди. Ҳолбуки, уларнинг ўзлари маданиятни, илму маърифатни сендан ўрганишган эмасмиди? Сен шоир ва алломалар юртисан. Бағрингда Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Али Қушчи, Улуғбек сингари жаҳон тан берган олимлар, Навоий, Бобур, Нодирабегим, Абдулла Қодирий, Чўлпон каби халқ севган шоир ва шоиралар яшаб, ижод қилишган. Фозил боболаримиз мероси биз учун фахрли. Дейлик, Абу Райҳон Беруний X асрда, Коперникдан роппа-роса 500 йил аввал Ернинг Қуёш атрофида айланишини ва унинг айлана шаклида эканлигини башорат қилган, у Колумб Американи кашф қилмасдан аввал уммон ортида яна мамлакатлар борлигини айтиб берган. Ёхуд X-XI асрларда яшаб, ижод қилган буюк олим Абу Али Ибн Синонинг тиббиёт фанига қўшган ҳиссаси беқиёсдир. Унинг тиб ҳақидаги рисолаларидан бугун дунё фойдаланиб келмоқда. Ал-Хоразмий эса алгебра фани асосчисидир. Унинг алгебра фанига қўшган ҳиссаси бениҳоя катта. У ноль рақамини яратиб, алгебра фанини ривожлантиришда муҳим роль ўйнади. Булардан ташқари, биринчи ва иккинчи даражали тенгламаларни ечиш усулларини яратди. Информатикада кенг қўлланиладиган «алгоритм» сўзи ҳам олим номи билан боғлиқдир. Шу ўринда юртимизнинг оламшумул фарзанди, туркий миллат отаси, буюк соҳибқирон Амир Темур ҳақида ҳам сўз юритиш жоиздир. У ўз юртини мўғул босқинчиларидан халос этди. Шу билан бирга рус халқига ҳам ёрдам қўлини чўзди — уларни-да мўғул босқинчиларининг асрий қуллигидан озод этди. Тухтамишга қарши жанглар олиб борган чоғларида Амир Темур у хароб қилган, талаган шаҳар ва қишлоқларни тиклади, адолат ўрнатди.

Туркий тилимиз асосчиси Алишер Навоий эса ўзининг мафтункор шеърлари, тарбиявий аҳамиятга эга бўлган асарлари билан барча жаҳон халқларини ҳайратда қолдирди. Яна бундай юзлаб Узбекистон кишилари ҳақида гапириш мумкин. Мана шундай шоирлар, саркардалар, олиму фузалолар авлоди наҳотки саводсиз бўлса?

Истиқлол даврида Узбекистоннинг келажагини буюк қиладиган улкан ишлар амалга оширилди. Шундай муҳим воқеалардан бири бу миллий валютамизнинг муомалага киритилишидир. Миллий валюта сиёсий ва иқтисодий мустақилликни мустаҳкамлайди. Булар эса республикамизнинг Европа ва Шарқ мамлакатлари билан иқтисодий ҳамкорлигини янги чўққиларга кўтариши, шубҳасиз. Хорижий сармоядорларнинг Узбекистонга маблағ олиб келиш, қўшма корхоналар ташкил этиш борасидаги таклифлари кундан-кунга кўпаймоқда.

Мамлакатимизда иқтисодий мустақилликка эришиш йўлида улуғвор ишлар қилинмоқда. Қўқдумалоқ, Мингбулоқ нефть конларининг ўзлаштирилиши, Дўстлик, Асака шаҳарларида бунёд этилаётган автомобиль заводлари бу саъй-ҳаракатларнинг дебочаси, холос.

Дунёдаги энг буюк ва ривожланган мамлакатлар — АҚШ, Франция, Япония, Англия, Хитой, Германия сингари давлатлар билан иқтисодий, сиёсий, маданий-маърифий алоқалар ўрнатилиб, Узбекистонимизнинг халқаро обрўси тобора ошаётгани жамики дунё кишилари кўз унгида содир бўляпти. Республикамиздаги улуғ ишлардан яна бири маориф соҳаси билан боғлиқдир. Жумладан, мактабларда, олий ўқув юртларида ва бошқа ўқув даргоҳларида янгича ўқитиш услублари жорий қилинди. Ўқитишнинг рейтинг усули қўлланила бошланди, имтиҳонлар тест усулида олина бошлади. Юртбошимиз ўқувчи-ёшлар манфаати учун бир қанча фармонлар чиқарди. Улар натижасида ўқувчи-ёшлар чет элларда билимларини ошириб келмоқдалар. Вилоятларда турли лицейлар, иқтидорли ўқувчилар мактаби, ихтисослашган синфлар очилди. Она-юртимиз, халқимиз биз ёшларга жуда катта ишонч билан қарайди. Биз ана шу ишончни оқлаш учун барча билимларимизни ишга солишимиз, атрофимизда бўладиган воқеа-ҳодисаларга зийрак кўз билан қарашимиз керак.

Она-юртимизни озод, мустақил, гуллаб-яшнаган ҳолда кўришимиз — бизнинг энг улуғ бахтимиздир. Юртим деб, элим деб ёниб яшаш эса, Президентимиз айтганларидай, ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Чунки бизларни мана шу она юрт, шу замин ардоқлаб, авайлаб устиради, вояга етказади.

Илло, истиқлол юртимиз бошида ҳамиша қуёшдек чарақлаб турсин. Чунки, юртимизнинг ҳам, халқимизнинг ҳам бахти — ана шунда.

Гулбаҳор ҲАКИМОВА

ЮРТИМИЗ БАХТИ

● *Истиқлол менинг тақдиримда*

НУРЛИ ЙЎЛ

Илгариги дарсликларда Ўзбекистон замини ҳақида жуда кам маълумот берилар эди. Ўқитувчи белгиланган дастурга ижодий ёндашиш ҳуқуқига эга эмасди. Истиқлол туфайли миллий қадриятларимиз тикланди, тарихга муносабат ўзгарди. Шундай экан, ёшлар қалби ва шуурида миллий ғурур ва ифтихор, юртга садоқат, эрксеварлик, ўтмишга меҳр, келажакка умид туйғуларини шакллантириш биз — ўқитувчилар зиммасига катта масъулият юклайди.

Буни чуқур ҳис қилган ҳолда тарих дарслари сифатини яхшилаш учун изланишлар олиб бораяпман. 1992 йилдан буён республика Таълим илмий-методика марказидаги кенгашга аъзоман. Тарих китоблари муҳокамаларида қатнашаман. Икки йил ичида «Деновликлар тарих кўзгусида» (1993) илмий этнографик оммабоп асарим, шунингдек, «Ижтимоий фанларни ўқитишда бадиий асарлардан фойдаланиш» (1994) номли методик қўлланмам чоп этилди.

Мустақиллигимиз тўрт йиллиги нишонланадиган йил, айниқса, мен учун қутлуғ келди. Яқинда Қарши шаҳрида мактаб ўқитувчиларига мўлжалланган «Умумтаълим мактабларида ижтимоий фанларни ўқитишда Президентимиз И. А. Каримов асарларидан фойдаланишнинг асосий йўналишлари» деб номланган яна бир методик қўлланмам нашр қилинди. Янги ўқув йилининг биринчи куни шу қўлланма асосида «Ўзбекистон истиқлоли» мавзусида очиқ дарс ўтмоқчиман. Дарс аввалида Туркистон тупроғидан етишиб чиққан табаррук сиймолар, буюк даҳолар, фозилу фузалолар халқимизнинг ғурури эканлигини алоҳида сўзлаб бераман. Шу билан бирга истиқлол, давлат тили, давлатимиз рамзлари, қомуси ҳақида атрофлича тўхталаман.

Аслида, мустақиллик ғурур, меҳнат ва масъулият демакдир. Мавзуни шу ақида амалиётига боғлиқ тушунчалар билан якунлашни режалаштирганман.

Бу йилги байрам диёримизга ўзгача руҳ билан кириб келаётир. Шу кунларда мустақил юрт келажаги йўлида фаоллик кўрсатиш нақадар шарафлилигини ҳис қилаяпман. Хулоса шуки, ишга ижодий ёндашиш ҳар бир муаллимнинг кундалик юмушига айланса, келажагимиз янада нурли бўлади.

Барака ПЎЛАТОВА,
Касби тумани Мавлон Жавлиев номидаги 7-ўрта мактабнинг олий тоифали ўқитувчиси.

АДИБ НОМИДАГИ МАКТАБДА

Бўз туманидаги Мирзакарим Пирматов номидаги 2-ўрта мактаб ўтган йилнинг 1 сентябрида ишга туширилган эди. 720 нафар бола ўқиётган бу мактаб жамоаси ўқув-тарбия ишларини бутунлай янгича асосда олиб бормоқда. Ўқувчиларни иқтидорига қараб табақалаштирилган синфларда ўқитиш биринчи йилдаёқ ўз самарасини берди. Ўқувчилар орасида она тили, адабиёт ва Ўзбекистон тарихига қизиқувчилар жуда кўп эканлиги маълум бўлди.

Бадиий ижод ва журналистикага қизиққан болаларнинг «Ниҳол» тўгараги вилоятга танилиб қолди. Буни ҳисобга олган мактаб маъмурияти ижодкорлар синфини ташкил этишга қарор қилди.

Мактабда физика, математика ва биология ихтисосига йўналтирилган синфлар ҳам янги ўқув йилидан фаолият кўрсата бошлайди.

Мактаб директори Азимжон Бекмирзаев раҳбарлигидаги ўқитувчилар ва ўқувчилар жамоаси мактабга туташ ердаги 5 гектарлик майдонда етиштирилган полиз маҳсулотлари даромади эвазига ўқув ва фан хоналарини чиройли қилиб безаб олдилар.

Яқинда ўқитувчи М. Қурбонов ташаббуси билан «Мактаб бозори» ташкил этилди. Ўқув қуролларининг бу ерга келтирилганлиги отаоналар узоғини яқин қилди.

Мустақиллик байрамини қувончли ютуқлар билан, умидбахш орзулар блан кутиб олаётган мактаб жамоасининг орзу, режалари улкан. Боболаримиз гапига қараганда, улуғ айём кунларидаги тилаклар ижобат бўлармиш: Истиқлол байрамингиз маърифат ва маънавият бобида эришилажак янги ютуқларга улансин!

Мунаввара ПИРМАТОВА.

СУРАТЛАРДА: мактаб ҳаётидан лавҳалар.

МУСТАҲКАМ ТАЯНЧ

Ўтган тўрт йил ичида жамиятимизда ниҳоятда муҳим ўзгаришлар юз берди. Аввало, ўз қонунларимизга асосланган давлатчилигимизга эга бўлдик ва Ўзбекистонни жаҳон таниди. Сиёсий жиҳатдангина эмас, балки иқтисодий жиҳатдан ҳам мустақилликка эришиш йўлларини белгилаб олдик. Аниқроғи, тараққиётда ўз андозамизни яратдик. Бошқалардан фарқли улароқ, бозор иқтисодига босқичма-босқич ўтиш шароитида аҳоли турли қатламларини ижтимоий муҳофаза қилишни амалга оширмоқдамиз. Шу боис жаҳондаги қўпгина ривожланган мамлакатлар ҳам ишларимизни эътибор билан кузатяпти. Эришаётган натижаларимиз умидбахш. Бироқ қийинчиликларимиз ҳам, ҳал этиладиган муаммоларимиз ҳам бор, албатта.

Иқтисодий мустақилликни мустаҳкамлашнинг таянч йўналишларидан бири таълимдир. Бу борада ҳам ўтган тўрт йил мобайнида туб ислоҳотлар амалга ошаяпти. Мамлакатимизда қатор университетлар, янги типдаги ўқув юртлари ташкил этилганлиги бунга далолат. Мен таҳсил бераётган ўқув юрти — Тошкент давлат иқтисод университетини ҳам чин маънода мустақиллик маҳсули дейиш мумкин. Бу ерда тайёрланаётган мутахассислар яқин келажакда иқтисодни такомиллаштириш ва бошқарувда ўз билими, касбий маҳорати билан жаҳондаги мамлакатларнинг шу соҳадаги кадрлари билан рақобатбардор бўла оладди, деб ўйлаймиз.

Ишонч билан айтишим мумкинки, мустақиллик туфайли танланган бозор иқтисодига ўтиш йўли эл-юртимиз келажагини, шу жумладан, ҳар биримизнинг фаровонлигимизни таъминлашнинг, давлатимиз истиқболи буюклигининг бош таянчи бўлиб қолади.

Шавкат ЗАЙНИТДИНОВ,
Тошкент давлат иқтисод университети менежмент кафедрасининг мудири, иқтисод фанлари доктори.

ШОДЛИГИМНИНГ ЧЕКИ ЙЎҚ

● *Истиқлол менинг тақдиримда*

Истиқлолга эришилгандан кейин халқ таълимига қўплаб янгиликлар кириб келди. Шулардан бири тест синовларидир. Тест синовлари — мустақиллик меваси десам янглишмаган буламан. Негаки, бу услуб жорий қилингандан кейин оиламиз ҳаётида кескин бурилиш юз берди.

Катта қизим Собира Урозова 1993 йилда энг юқори балл билан Жаҳон тиллари университетига ўқишга кирди. У ҳозир «аъло» баҳолар билан ўқишни давом эттиряпти.

Бу йил июнь ойида эса Камшат исмли қизим Тошкентдаги С.Сирожиддинов номидаги иқтидорли болалар лицейи танловидан муваффақиятли ўтди. Энди у сараларнинг сараси билан беллашиб ўқийдиган бўлди. Яна бир қизим — Набира ҳам тест синовлари орқали 1-Тошкент давлат тиббиёт институтига битим бўйича қабул қилинди. Битимга кўра, талаба бир йилда 7 минг сўм тўлаб ўқиши шарт экан. Қувонарлиси, қизим талабалар учун яратилган барча имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Яқинда Президентимиз Фармони билан мактаб муаллимлари маоши 50 фоиз оширилди. Буни илм, маърифат аҳлига кўрсатилган ғамхўрликнинг ёрқин ифодаси деб тушунмоқ керак. Хуллас, илмга, шу жумладан, муаллимларга кўрсатилаётган эътибор ҳамма-ҳаммамизга катта масъулият юклайди, ҳар бир ишга камарбаста бўлишга чорлайди. Мактабимиз жамоаси, хусусан, ўзим ўқув йилини ана шундай ҳиссиётлар чулганган ҳолда бошлаяпман.

Улиш ИЗБОСАРОВА,
Қорақалпоғистон Республикаси Беруний шаҳар Собир Эшчонов номидаги 2-ўрта мактаб ўқитувчиси.

● СПОРТ

ДЎСТЛИК МУСОБАҚАЛАРИГА ҚИЗҒИН ҲОЗИРЛИК

Тошкент шаҳрида 2 сентябрдан 9 сентябргача ўтказиладиган 1 Марказий Осиё ўйинларига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистон ва Тожикистондан келган энг етук спортчилар 12 тур бўйича кураш олиб боришади.

Спорт беллашувларида Ўзбекистон Республикаси «Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамияти вакиллари ҳам мамлакатимиз терма командаси таркибида қатнашишади. Мазкур кўнгилли спорт жамияти Марказий кенгаши раиси Маҳамадали Ҳайдаровнинг айтишича, жамиятнинг 35 спортчиси юнон-рум кураши, сузиш, эркин кураш, оғир атлетика, бокс, енгил атлетика, волейбол ва баскетбол мусобақаларига қизғин тайёргарлик кўришаётир.

— Ўтган йили спортчиларимиз Японияда ўтказилган XII Осиё ўйинларида муваффақиятли қатнашишгани ёдингизда бўлса керак, — дейди М. Ҳайдаров. — Марказий Осиё мамлакатлари спорт мусобақаларида ҳам вакилларимиз юқори натижаларни қўлга киритадилар, деб умид қиламиз. Спортчиларимизнинг юксак кайфияти шундан далолат бериб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик байрамининг тўрт йиллигига уланиб кетадиган дўстлик мусобақаларида спортчиларга улкан ютуқлар тилаймиз.

Ғ. МИРЗАЕВ, мухбиримиз.

БАЙРАМ ХАБАРЛАРИ

ИСТИҚЛОЛ ИЛҲОМИ

Узбекистон Ёзувчилар уюшмасида Мустақиллик байрамига бағишланган қизлар мушоираси бўлиб ўтди. Унда элимизнинг таниқли шоиралари иштирок этишди. Кечада яғраган байрамона руҳдаги шеърлар тингловчиларда катта таассурот қолдирди.

ДОСТОННИНГ ТЎЙИ

УзФА Президиумининг мажлислар залида қирғиз халқининг буюк эпоси «Манас»нинг 1000 йиллигига бағишланган илмий конференция бўлиб ўтди. Унда улкан достоннинг шаклланиши ва тараққиёти ҳамда туркий халқлар маънавиятида тутган ўрни ҳақида маърузалар тингланди.

ЎҚИТУВЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

Наманганда илғор педагогик тажрибаларни оммалаштириш мақсадида анъанавий «Ўқитувчи-95» кўрик-танлови ўтказилди. Вилоятнинг 19 нафар тажрибали ўқитувчиси иштирок этган беллашув сўнгида Наманган шаҳридаги 5-ўрта мактаб муаллимаси Маъсудахон Раззоқовага биринчи ўрин насиб этди.

* * *

Шуниндек хоразмлик ўқитувчилар ўртасида ҳам «Ўқитувчи-95» вилоят танлови бўлиб ўтди. Ниҳоятда сермазмун ўтган беллашув якунида ғолиблар эълон қилинди — Янгибозор туманидаги 19-мактабнинг ижодкор ўқитувчиси Гавҳаржон Ибодуллаева ғолиблик шоҳсупасидан жой олди.

БОЗОРГА МАРҲАМАТ!

Хоразмнинг аҳоли гавжум жойларида ҳам мактаб бозорлари фаолият кўрсатмоқда. Вилоят матлубот уюшмаси, «Узбексавдо» вилоят бўлими ҳамда вилоят халқ таълими бошқармасининг биргаликдаги тадбирларига кўра уқув анжомлари 30 фоиз арзон нархда сотилмоқда. Ҳозиргача воҳанинг 20 та жойида ташкил этилган мактаб бозори харидорларга хизмат кўрсатаяпти.

ҚУВОНЧ БОЛАЛАРНИКИ

Андижон вилояти Шаҳрихон шаҳридаги «Пахтаой» болалар боғчасида Истиқлол байрамига бағишланган эрталик ўтказилди. Бу ерда тарбияланаётган 115 нафар жажжи болакайлар бир яйрадилар — қўшиқ айтиб, ўйин тушиб зўр байрам қилдилар. Дарвоқе, эрталикка ташриф буюрган ота-оналарнинг хурсандчилиги ҳам фарзандларникидан кам бўлмади.

ШЎРЧИНИНГ «ШИРИНТОЙ»И

Маърифатпарвар доно бобомиз Абдулла Авлоний шундай деган эканлар: «Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё садоқат — ё фалокат масаласидир». Бас, шундай экан, айни кунда ёшларга берилаётган таълим ваа тарбия масаласига мустақил юртимизнинг келажагига берилаётган асосий эътибор деб қарашимиз лозим.

Биз Шўрчи туманида жажжи кичкинтойларга берилаётган тарбия масаласини ўрганиш жараёнида Шўрчи шаҳрида жойлашган 3-сонли «Ширинтой» болалар боғчасида амалга оширилаётган бир қатор ибратли тадбирлардан кунглимиз тўлди. «Ширинтой»да уз касбини севган 12 нафар мутахассис тарбиячи 6 та гуруҳда 120 нафар кичкинтойларни тарбияламоқдалар. Заллар ва барча хоналар «боғча опа»лар томонидан ижод этилган нафис кўргазмалар асосида миллий услубда ораста қилиб безатилган, турли-туман долзарб мавзуларда бурчаклар ташкил этилган.

— Шу йил октябрь ойида Шўрчи туманининг 60 йиллиги нишонланади, — дейди боғча мудираси, «1994 йил тарбиячиси» республика курик-танловининг иккинчи голиби Гулнора Абдураҳмонова. — Худди шу муносабат билан кичкинтойлар билан олиб борилаётган машғулотларда туманимиз тарихига оид маълумотларга кенг урин берганмиз. Боғчамизда «Шурчининг 60 йиллиги» деб номланган бурчак ташкил этдик...

Агар инсон ўз касбини чин юракдан севса, касб йўлида изланса,табиат ва кундалик ҳаётдаги кўз илғамас гўзалликларни ахтарса, ҳар бир ишни уддалай оларкан. Биз боғча музейида бўлганимизда бу ҳақиқатга яна бир бор иқрор бўлдик. «Ширинтой» музейидаги «Ўйинчи қўғирчоқлар», «Насриддин Афанди Шурчида», «Шурчининг янги чойхонаси» деб номланган бўлимлари бизнинг диққатимизни ўзига тортди. Тўғри, бу музей ўйинчоқлар музейи. Аммо бундаги нафис кўргазмалар кичкинтойлар қўли билан ясалган ва жойлаштирилган. Улар баҳри кенг Сурхон элининг тўғри сўз, мағрур инсонлар, кўпкари, кураш каби қизиқарли ўйинлари ҳақида тўлиқ тушунча беради.

Боғча услубчиси Олья Вескунова бизга амалга оширилаётган қатор ибратли ишларда жамоага туман педагогика хонаси ва жамоанинг Турсунтош Эшонова, Валентина Негматулина, Марзия Раупова, Зуҳра Юсупова каби тарбиячиларининг хизматлари катта бўлаётганлиги ҳақида ўзбек тилида, соф Сурхондарё шевасида гапириб берди.

Бизни шу нарса жуда қувонтирдики, «Ширинтой» жамоасининг ҳар бир аъзоси касби ва лавозимидан қатъи назар, ўзини боғча учун масъул деб ҳисоблайди. Дарҳақиқат, бахт тўйғусининг негизи ўзининг кераклигини ҳис қилишдадир. «Ширинтой»да худди шундай туйғу бор. Худо хоҳласа, жамоанинг эртаси бугунидан ҳам ёруғ бўлади.

Абдували ОБИДДИНОВ.



Шоир Шукур Дадаш педагоглар сулоласидан. Маорифда узоқ йиллар самарали меҳнат қилган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, Қори-Ниёзий номидаги мукофот соҳиби, Тойир Дадашовнинг тўнғич фарзанди. Бу хонадонда 14 педагог ёшларга таълим-тарбия бериб келмоқда. Оналари Ақида Дадашова ҳам 30 йил тарбиячи бўлиб ишлаган. Отаси ва онаси йўлидан борган Шукур Дадаш 18 йил давомида ўқитувчи, илмий бўлим мудири, мактаб директори, Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, Шайхонтоҳур туман халқ таълими бўлими мудири бўлиб ишлади. Ҳозир касаба уюшмаларида хизмат қилмоқда.

Шукур Дадаш педагог шоир. «Тенгқурларим», «Бувимнинг эртаклари», «Ўн беш баҳодир қиссаси» каби ўнга яқин шеърий асарлар муаллифи. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Шукур ДАДАШ

ҚУТЛУҒ ТУПРОҚ

Мустақил Ўзбекистонимнинг тўрт йиллигига бағишлайман

I. МУҲАББАТ

Ватансиз саодатманд
Кимса борми дунёда?
Она маскандан улуғ
Макон борми зиёда?
Бу муқаддас ном учун
Қон тўкилган, қутлуғ қон.
Осмон юлдузлари ҳам
Ватанида чароғон.
Она юртинг омондур
Ранг-рўйинг сомон бўлмас.
Уюрдан айрилганни
Бўри ер, омон бўлмас.
Жаннатсиз яшаш мумкин,
Ватансиз яшаш мушкул.
Жаннат ичра илҳомим
Лутфимга бир лутф қўшгил.
Ватан бу она каби
Ягонадир мукаррам.
Таниҳо содиқ ўғлига
Кўрсатади у карам.
Чин фарзанд этмас ҳавас —
Ўзгалар тупроғини.
Ардоқлар ўз мулкининг
Ҳаттоки урвоғини.
Мард топар ўз ризқини
Тупроғида Ватанин,
Қўйдирмас ёт заминга
Ҳаттоки жонсиз танин.
Чўл бўлса ҳам Ватан шу,
Йўл бўлса ҳам Ватан шу.
Авжи баҳор ҳамма ёқ
Гул бўлса ҳам Ватан шу.

II. САДОҚАТ

Юрт севар мард ўғлонин,
Қарич ер посбонини,
Ғанимдан сақлагувчи
Мусаффо осмонини.
Юртим дея кўксига
Ургалардан у безор.
Ўғлон вафо тилар,
Керагида жон нисор.
Темур буюк Ватанин
Парчалади худбинлик.
Минг афсус, қонимизда
Ҳануз бор бу кўргилик.
Ҳаводек ўзгарувчан
Зотни кўрар кўзим йўқ.
Ихтиёр йўқ ўзида
Мисли дайди, басир ўқ.
Талашар қора қалблар
Мудом амал тахтини.
Эл ичра фаришта дек
Бериб ваъда, аҳдини.
Халқ ғамидир бегона
Ўйлар таниҳо ўзини.
Кўзлайди зар булоқнинг
Тезроқ очса кўзини.
Илондек пўст ташловчи
Одамлар кўпдир нечун?
Фирқа эди кеча у,
Бошида дастор бугун...
Кичик бир оиласин
Тебратолмай бир нодон,
Йўлбошчилик бобида
Узича хўп билимдон.
Дўппослар донишларни
Билмас деб иш кўзини,
Ўзи эса ўғлига
Ўтказолмас сўзини.
Асаб таранг, бош карахт,
Бу ҳолат кимларга хос?
Наҳот Одам Атодан
Қолган бизларга мерос?
Қани Файзулла, Акмал,
Қани Қодирий, Усмон?
Ҳамон излашиб қабрин
Кўнгиллар тилка, вайрон.
Барига чаплаб бўёқ,
Ким бўлди кушандаси?
Наҳот миллатдошлари,
Ул мусулмон бандаси?
Афсус, аччиқ ҳақиқат,
Кесиб бўлмас сўзимиз.
Замон келди очайлик
Тун ғафлатдан кўзимиз.
Бизга аҳиллик бўлсин,
Тинчлик бўлсин муддао.
Ажал ўпқонларига
Ботиб кетмасин дунё!

III. ЖАҲОЛАТ

Ҳинд элида шоҳ Бобур —
Бўлиб юртидан жудо,
Бошда тож, вале ўтди
Ватан меҳрила адо.
Шоир деб камол топди,
Озор ўғли Шайхзода.
Арман қизи Тамара
Абадий шу тупроқда.
Фақат қалби кўр одам
Хорижни орзу қилар.
Жаннат умрин тарк этиб
Дўзахий қисмат тилар.
Ватансизда мурод йўқ
Қочар тилак ва иймон.
Бор вужудин тикади
Енгил ҳаётга осон.
Бухорои шарифда
Тўкилиб киндик қони,
Ўтди хуррам, армонсиз
Болалик, ёшлик они.
Ўсди қониб ўзбекнинг
Беминнат чўнг меҳридан.
Қозонди шуҳрат, унвон
Элнинг қўшиқ сеҳридан.
Ўзбегим, юртим, элим
Дея қўшиқ куйлади.
Нафс енгди иймонини
Угай юртни бўйлади.
Дунё қачон бут бўлган,
Қачон инсон баркамол!?
Фотиҳу жаҳонгирлар
Ҳаётидан ибрат ол.
Кимса борки беқадр
Гўшаси йўқ, Ватансиз,
Ёр қаърида ётади
Мисли майит кафансиз.

IV. ШУКРОНА

Фахр этмакка ўз юртим
Хур элим бор, минг шукур.
Дил сўзим сўзлагувчи
Ўз тилим бор, минг шукур.
Хур ўлкам набирамдек
Тетапоя, тўрт ёшда.
Лек жаҳонни этди лол
Ақл сабр бардошда.
Бобосидан ҳам катта
Давлатларга қўл бериб,
Қадди-қоматин ростлар
Тадбиркорга йўл бериб,
Рамзи — тинчликдан нишон,
Мадҳияси чароғи.
Жаҳоннинг ҳар ерида
Ҳилпирайди байроғи.
Ўзбек энди миллат, халқ
Фуқаромас номига.
Коми аждар бекилди
Тортолмайди домига.
Ҳумодай қуш бошида
Авайлайди жон каби,
Юрт эркин сақлар мудом
Томирдаги қон каби!

Карнай-сурнай садоси — тантана ибтидоси!

С. МАҲКАМОВ олган сурат.

МУАММОНОМА

Азиз муштарий! Аввало қуйида таърифланиб, рақамларда яширинган очқичдаги сўз ва номларни топинг.

1. Марказий осиёлик таниқли риёзиёт олими — 25, 7, 8, 2, 15, 19, 4, 16.

2. Ўзбек халқ достонларидан бири — 2, 1, 22, 7, 19, 4, 20.

3. Алишер Навоий замондоши, миниатюра санъати устаси, мумтоз мусаввир — 6, 24, 21, 15, 7, 10.

4. Асримиз бошларида Туркистонда фаолият кўрсата бошлаган янги усулдаги илм-маърифат ҳаракати азоси — 28, 2, 10, 4, 10.

5. Моддалар таркиби ва хоссаларини ўрганувчи фан — 27, 4, 19, 30.

6. Ўзбекистондаги нашриётлардан бири — 12, 18, 4, 5, 9, 4, 26, 4.

7. Ўзбек кимёгар олими, Меҳнат Қаҳрамони, республикамизда алкалоидлар мактаби асосчиси — 29, 4, 9, 13, 7, 14.

8. Республикамиздаги вилоят маркази — 17,9, 1, 4, 13, 5, 7, 3.

9. Халқ оғзаки ижоди тури — 23, 8, 5, 2, 27.

10. Ўзбекистондаги мармар кони — 11, 7, 15, 11, 7, 3.

Энди жавоблар асосида шаклдаги рақамларни тааллуқли ҳарфлар билан алмаштириб, муаммономани ҳал этинг. Бунда шоир Тўхтамурод Деҳқоний шеъридан тўрт мисра аён бўлади.

Фозилжон ОРИПОВ.

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ВА ЙЎЛЛАР ИНСТИТУТИ ЛИЦЕЙИНИНГ 10-СИНФИГА КОНКУРСДА ҚАТНАШИШ УЧУН ҲУЖЖАТЛАР 20 ДЕКАБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Лицейда математика, физика ва инглиз тилидан пухта билим бериш йўналишлари мавжуд.

АХБОРОТ УЧУН МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент, Мовароуннахр кўчаси, 20-уй, тел. 33-74-28.

РЕСПУБЛИКА МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ ХОДИМЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ДОИМИЙ ИШЛАБ ТУРУВЧИ КУРСИДА 1995 ЙИЛ 4-29 СЕНТЯБРЬ ОЙИДА НАВБАТДАГИ КУРСЛАР ИШЛАЙ БОШЛАЙДИ.

Унга қуйидаги соҳаларнинг мутахассислари таклиф қилинади:

I. Мактабгача тарбия муассасаларининг мудирлари;
мактабгача тарбия муассасаларининг услубчилари:
4.09 — 29.09. 1995 йил.
II. Вилоят, туман, шаҳар назоратчилари ва услубчилари.
Қисқа муддатли курс: 4.09 — 21.09. 1995 йил.

Курсга келган тингловчилар бепул ётоқхона билан таъминланадилар ҳамда йул харажатлари ва суткалик ҳақлари курс ҳисобидан тўланади.

26 кунлик курсга келган тингловчилар санатория ва курорт варақалари билан институт қошидаги санаторий-профилакторийга 4-9 сентябргача қабул қилинадилар.

Манзилимиз: Тошкент шаҳар, С.Раҳимов тумани, Саидов кўчаси, 6. Студентлар шаҳарчаси. Телефон: 46-98-04.

МАҚСАД: СОҒЛОМ ФАРЗАНД ТАРБИЯЛАШ

Тошкент шаҳридаги махсус таълим муассасалари ва Республика таълим илмий методика марказида марказ дефектология бўлимининг ташаббуси билан «Республика махсус таълим муассасалари ва меҳрибонлик уйлари ходимларининг «Соғлом авлод учун» мавзусидаги август кенгаши бўлиб ўтди.

Икки кун давом этган мазкур кенгашда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги жамоатчилик асосида фаолият кўрсатадиган махсус умумтаълим ва мактабгача тарбия муассасалари, етим ва ота-онасининг қаровисиз қолган болалар меҳрибонлик уйлари директорларининг «Республика махсус умумтаълим муассасаларининг Директорлар Кенгаши»ни тузиш ҳақидаги Низомига асосан Директорлар Кенгашининг ташкилий мажлиси ўтказилди ва унинг раёсати тасдиқланди.

Раёсат раиси этиб (очиқ овоз бериш йўли билан) Надежда Исҳоқова ва етти кишидан иборат аъзолари сайланди.

Кенгашни халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Йўлдош Саиджонов очиб, махсус мактаб-интернатлар ва меҳрибонлик уйларидаги таълим-тарбия ишларининг аҳволи ва келгусидаги вазифалари ҳақида гапирди.

Кенгаш иштирокчилари психология фанлари доктори Валентина Андреевна Токареванинг махсус мактаб-интернатлар ва меҳрибонлик уйларидаги таълим-тарбия ишларининг илмий йўналиши асослари ва келгуси истиқболлари, Абдулла Авлоний номли Республика халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институти ректори, психология фанлари доктори Ғайрат Шоумаровнинг педагогик ходимларнинг малакасини ошириш, РТИММ директори, тарих фанлари доктори Ҳайдарбек Бобобековнинг методик таъминотни ташкил қилиш масалалари юзасидан ҳисоботларини тинглашди.

Шунингдек, йиғилишда республика акушерлик ва гинекология институти директори Дамин Асадов «Ногирон болалар туғилишининг олдини олиш, уларни эрта аниқлаш, саралаш ва даволаш», РТИММ махсус таълим муассасалари лабораторияси мудири, педагогика фанлари номзоди Рихси Шомаҳмудова ҳамда Халқ таълими вазирлиги интернатлар ва янги турдаги ўқув муассасалар бўлими Бош мутахассиси Зулфия Ишмуҳамедовалар «Махсус таълим-тарбия муассасалари ишини такомиллаштиришда хорижий давлатлар иш тажрибаларидан фойдаланиш» мавзуларида маъруза қилдилар.

Кенгашда Республика халқ таълими вазирининг ўринбосари, Тошкент шаҳри халқ таълими Бош бошқармасининг бошлиғи Ҳамидулла Йўлдошев иштирок этди.

Д. ХЎЖАЕВА.

Юнусобод туманидаги 70-мактаб жамоаси ва «Шивли» маҳалла қўмитаси аъзолари мактабнинг кекса ўқитувчиси

Хадича УСМОНОВА

вафот этганлиги муносабати билан унинг қариндошуруғларига чуқур ҳамдардлик изҳор этадилар.

1-Тошкент педагогика билим юрти жамоаси шу билим юрти ўқитувчиси

Зуҳрахон БОБОНАЗАРОВАнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига, қариндошуруғларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

«МАЪРИФАТ»

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир
Саъдулла ҲАКИМ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58.
«Шарқ» чашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчи: Жўрақул Искандаров.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0353. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6